

ekit

O'qi va ko'taril!

 ekituz

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
Х. С. СУЛАЙМОНОВ НОМИДАГИ
ЎЛЕЗМАЛАР ИНСТИТУТИ

ШАРҚ КЛАССИКЛАРИ МЕРОСИДАН

УМАР ХАЙЁМ

РУБОИЙЛАР

Халқаро Фирдавсий мукофоти лауреати
Шонслом Шомухамедов таржимаси

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти
Тошкент — 1981

t.me/books_taqi

www.ziyouz.com kutubxonasi

Редколлегия: Абдурахмонов Ф. А., Аҳмадхўжаев Э. Т., Жабборов Ж. Ж., Қаюмов А. П., Пармузин Б. С., Шоғуломов И. Ш., Шомухамедов Ш. М.

*Қўлингиздаги ушбу китобчада жаҳонга машҳур бўлган форс-тожик классик шоири, математик олими, астрономи ва файласуфи Умар Хайёмнинг (1048—1123) танлаб олинган энг яхши рубоийлари берилган.
Иккинчи тўлдирилган наши.*

Муҳаррир **Жуманиёз Жабборов**

©Издательство ЦК Компартии Узбекистана, 1981.

ЖАҲОННИ ЗАБТ ЭТГАН ШЕЪРИЯТ

Хайём ҳақида ўйлар эканмиз, кўз ўнгимизда икки буюк сиймо гавдаланади. Бири — Ўрта асрнинг буюк риёзиётчи, файласуф ва мунажжим олими, иккинчиси эса, XIX—XX асрдан бошлаб жаҳон шеърияти классиклари қаторидан шарафли ўрин эгаллаган, бизнинг кунларда ҳам шеърият осмонининг ёрқин юлдузларидан бири, забардаст шоир.

Хўш, бунга сабаб нима?

Умар Хайём 1048 йилда туғилиб Нишопурда, Балх, Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда ўқиб улғаяди ва ўз замонасининг баркамол олимларидан бўлиб етишади. Ривоятларга қараганда, салжуқийларнинг улуғ вазири Низомулмулк унга Нишопур ҳокимлигини таклиф этади. Аммо Хайём бунга: «Мен одамлар устидан ҳукмронлик қилолмайман» деган мазмунда жавоб беради. Хайёмнинг бир рубойиси ҳам шу мазмунда:

Кимники бор эса бир бурда нони,
Ўзига яраша уй-ошиёни,
На биров унга қул, на у бировга,
Айт, шод яшайверсин, хушдир замони.

Ниҳоят Хайём Исфохон расадхонасига бошчилик қилишга рози бўлади. У 1074 йилдан бошлаб бу расадхона ишларига раҳбарлик қилиб математика ва астрономия соҳасида катта илмий тадқиқотлар олиб боради.

Унинг математика, астрономия ва фалсафага оид бир қатор китоблари бизгача етиб келган.

Олимнинг бу илмлар соҳасида қилган қатор кашфиётлари фан тарихида катта роль ўйнаган.

Масалан, 1077 йилда у юнон олими Эвклид китобидан бир неча геометрик шаклларни шархлаб ёзган асарида, бутун сонларнинг илдизини топиш йўллари-ни кўрсатиб берган.

Хайём бир неча асарида улуғ олим Абу Али ибн Сино фикрларини тарғиб этади. Унинг бир қатор китобларини арабчадан форс тилига таржима қилади ва шархлаб беради. Хайём ўзининг «Рисолат-ул-навн ва т-таклиф» («Коинот ва унинг вазифалари») номли китобида Абу Али ибн Синони ўзининг устози деб билади. Хайём бундан ташқари «Рисола фи-л-вужуд» («Борлиқ ҳақида рисола»), «Рисола фи куллиёти вужуд» («Борлиқ умумийлиги ҳақида рисола») каби бир неча фалсафий асарлар ёзадиким, унда автор Ибн Синонинг содиқ шогирди сифатида унинг фикрларини давом эттиради.

Дунё фалсафаси билан шуғулланиш, мавжудотнинг сирини излаш билан бирга, Хайём бир қанча олимларга раҳбарлик қилиб, беш йил қаттиқ текширишлар олиб боргандан кейин 1079 йилда янги ислоҳ қилинган календарь таклиф қилган. Бу календарь Европада ундан беш юз йил кейинроқ қабул қилинган ва ҳозирги кунгача амалда қўлланилаётган Григориан календаридан ҳам аниқроқ бўлган.

Хайём ҳаётига тааллуқли бир ҳикоятда Хайём образи зўр олим, шу билан бирга, турли ҳаётий воқеаларга жуда ҳозиржавоб шоиртабиат киши сифатида чизилади. Ҳикоя қилинишича, бир кун Хайём 3—4 улфати билан боғда май ичиб ўтирган экан, тўсатдан турган шамол май солинган кўзани ағдариб юборибди, шунда Хайём худога қараб:

Кўзамни синдириб, иргитдинг, тангри,
Хуррамлик эшигин беркитдинг, тангри.
Тупроққа тўқдингку гулгун майимни,
Вилмадим мастмисан, на этдинг, тангри!

дебди. Бу сўзлардан ғазабланган тангри Хайёмнинг юзини қорайтириб қўйган эмиш. Ўртоқларидан бунни эшитган шоир дарҳол иккинчи бир рубойини ўқибди:

Ахир, бу оламда бегуноҳ ким бор?!
Нечук яшай олди бўлмай гуноҳкор?!
Ёмонлик қайтарсанг ёмонлигимга,
Фарқимиз не бўлди, айт, парвардигор!

Бу сўзларни эшитиб, ўз қилмишидан уялган тангри унинг юзини аслига қайтарган эмиш...

Хайём ҳаётининг охириги йиллари айниқса оғир бўлган, у Нишопурга қайтиб келиб, фақирликда умр кечирган бўлса-да, илмий ишларини давом эттирган. Улуғ олим бу даврда ҳам математика, астрономия ва фалсафадан бир қанча асарлар ёзади. Ундан ташқари ўз атрофига содиқ шогирдлар йиғиб, лекциялар ўқийди, бир гуруҳ олимларни тарбиялаб етиштиради.

Ажойиб илмий асарлар ёзиб қолдирган буюк олим 1123 йилда Нишопурда вафот этади. Аммо Умар Хайём ўзининг жаҳоншумул илмий асарлари билан эмас, нодир поэтик асарлари — рубоёети билан оламга машҳур бўлди.

У ўз рубойларида ҳам илмий-фалсафий китобларида бўлганидек олам сирлари, ҳаёт ҳақиқатини излайди, бу борадаги фикру ўйларини ажойиб шеърӣ образларга ўраб, мўъжизакор тўртликларда ифодалаб беради.

Тўртгина мисра шеърга забардаст фалсафӣ фикрларни сиғдира олишига қарамай, Хайёмнинг услуби — доҳиёна содда, ўхшатишлари ниҳоятда табиӣ, ҳаммага осонгина етиб борадиган услуб. Шунинг учун ҳам унинг оҳангдор шеърлари жаҳон адабиётининг бой хазинасида энг яхши гавҳар доналаридандир.

Унинг рубойлари деярли ҳамма жаҳон халқлари тилларига таржима қилинган ва қилинмоқда. Бундан ташқари жуда кўп сўз санъаткорлари Хайём рубойларини ўз асарларига киритадилар, минглаб кишилар бу рубойларни ёддан ўқиб юрадилар, Хайём китоб-

ларини бир-бирларига совга қиладилар. Мана, яна бир мисол: 1942 йил Ленинград қамалининг энг даҳшатли ва оғир кунлари. Революция бешигининг ҳимоячилари орасида тўрт мисрадангина иборат бўлган ажойиб шеърлар қоғоздан-қоғозга, оғиздан-оғизга ўта бошлади.

Бу тўп садоларидек, бир нафас билан ўқиладиган қисқа, аммо вазмин шеърлар юракда чуқур из қолдирар, кишиларни оғир курашлардан иборат бўлса-да инсонга энг маҳбуб нарсани — мана шу реал ҳаётни севишга, керак бўлса шу ғоя учун ўлимга тик боришга чорлар эди.

Бу тўртликларни ленинградлик марҳум шоир Сергей Хмельницкий Хайём рубойларидан таржима қилиб келар, жангчиларга ўқиб берар эди. Шундай қилиб, Ленинград мудофаачилари сафида Умар Хайём ҳам бор эди.

Шуниси қизиқарлики, буюк кашфиётчи олим Умар Хайём ҳеч вақт шоирликни ўзига касб қилиб олмаган, рубойларни эса ўзи кўнгил таскини учун ёзган ва ҳеч кимга ўқиб ҳам бермаган. Унинг рубойлари турли илмий китоблари ҳошиясига битилган ёки ён дафтаридан топилган. XIX асрнинг иккинчи ярмигача уни жаҳон классиклари қаторига киритмаган ҳам эдилар. Фақат XIX асрнинг иккинчи ярмидагина инглиз шоири Геральд Фицжеральд унинг рубойларидан бир қисмини эркин таржима қилиб, нашр эттиради. Бу кичкинагина китобча чиқиши биланоқ, рубойлардаги фалсафий теранлик ва ҳаётийлик ғарб ва шарқ китобхонлари дилини овлади.

Хайём ҳақида мактуб ёзган китобхонлар кўпинча унинг шеърларида тез-тез тилга олинадиган май, шароб сўзларига изоҳ беришни илтимос қиладилар. Баъзилар ҳатто: «Хайём майпараст бўлганми?» деган саволни ўртага ташлайдилар.

Бу ҳақда шуни айтиб ўтмоқ жонзирки, Умар Хай-

ём рубойларидаги май—бадий образ бўлиб, уни жўн-гина ва айнан тушуниш тўғри бўлмайди.

Масалан, Хайём май образи орқали гоҳо кишилар портретини чизиб:

Ичкилик кеккайган бошни қилур ҳам,
Майдан ечилмаган бирор тугун кам.
Бир қултум май ичган бўлсайди шайтон,
Минг сажда қиларди одамга ул ҳам.

деса, гоҳо худбинликни фош қилади:

Май ичамен, мастлик қилмаймен асло,
Қадаҳдан ўзгага бўлмаймен бало.
Бода ичишликдан менинг ғаразим —
Ўзимга сен каби қўймаслик бино.

Кўпчилик рубойларида мутафаккир олим фалсафий фикрларини баён қилиш учун май образидан моҳирона фойдаланади. Масалан, материянинг абадийлиги, унинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб юришлигини, ўлик ва тирик табиат орасида ўтиб бўлмас чегаранинг йўқлигини эътироф қилар экан дейди:

Тур, гўзал, очилсин баҳри дилимиз,
Жамолинг ҳал қилсин ҳар мушкилимиз.
Тупроғимиз кўза бўлмасдан бурун,
Бир кўза ичайлик, жўйсин дилимиз.

Бу мисраларда юқоридаги фикр май ва кўза образлари тимсолида катта маҳорат билан баён этилган.

Хайём рубойларидаги май образига турли ва мураккаб вазифалар юкланганлигини қўйидаги мисол ҳам яққол кўрсата олади:

Ҳаётга ўзга тус бергувчи шароб
Келтир, қадаҳга қуй бўлса ҳам азоб.
Қўлга бер, оламнинг ишлари хуноб,
Ҳар нафас умр ўтар, айлагил шитоб.

Бу рубойида шоир май образи орқали ўз замонидаги қийин-қистовли ҳаётга «ўзга тус бериш», яъни уни

Ўзгартириш масаласини қўймоқда.

Алишер Навоий ҳам май образининг ишоралари, маънолари кўп эканлигини таъкидлаб, ўзининг форс-ча газалларидан бирида:

Румузи нашъаи май, эй ки дар намеёби,
Кунун, ки жоми маят медиҳам ба каф, дарёб.

(яъни, эй май нашъасининг ишорат ва рамзларини топа олмаган одам, энди бир пиёла майни қўлингга берай, унинг рамз ва ишораларини топгил) дейди.

Хайём бадий ижоди шуҳратининг сири нимада?

Бунинг сири уларда шоир киши қалбини, унинг назокатини, киши руҳий кечинмалари, орзу-ўйлари, кайфиятларини, ҳаёт мантиқини, инсон қалби билан реал ҳаёт орасидаги муносабатни ажойиб образларда жуда ёрқин тасвирлаб бера билганидир. Шунинг учун ҳам унинг ижоди умумбашарият бадийёт боғининг сўлмас чечакларидан бири бўлиб қолди.

Инсонларни дўстлик ва иттифоқликка чақирган мутафаккир:

Дўстлар, иноқликни қилсангиз бунёд,
Тез-тез дийдор кўриб, ўзни айланг шод,
Соқий тоза майни сузганда, айланг
Мен бечорани ҳам дуо бирла ёд.

деган эди. Миллионлаб кишилар уни севиб ўқимоқдалар. Унинг шеърияти бутун жаҳонни ўз тасарруфига олган.

**Шонслом Шомухамедов,
филология фанлари доктори**

4

1

Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз,
Ақл кўзин қораси — жавҳари ҳам биз.
Тўғарак жаҳонни узук деб билсак,
Шаксиз унинг кўзи — гавҳари ҳам биз.

2

Тақдир лавҳасида ҳукмим бўлғонда,
Майлимча ёзардим уни шу онда.
Қайғуни дунёдан йўқотиб буткул,
Шодликдан бўларди бошим осмонда.

— 9 —

3

Азал сиррин билолмасмиз на сену, на мен,
Бу жумбоқ, ҳал қилолмасмиз на сену, на мен.
Парда орқасидандир бу ғувуримиз,
Парда кетару қолмасмиз на сену, на мен.

4

Десалар майшараст, худди ўша мен,
Десалар фосиқ, маст, худди ўша мен.
Сиртимга бунчалар қарама, дилим —
Бўлса тоза ё паст, худди ўша мен.

5

Дерлар: жаннатда ҳур, кавсар бўлармиш,
Ариқ тўла май, сут, шакар бўлармиш,
Қадаҳни тўлдириб, қўлгинамга бер,
Минг насядан бир нақд хуштар бўлармиш,

6

Ен берма, бу дунё аслида бедод,
Ўтганлар ғамин ҳам қилма менга ёд.
Кўнгил берма гажак сочдан бўлакка,
Майсиз бўлма, умринг айлама барбод.

7

Улик-тирик ишин тузаткувчисен,
Тарқоқ коинотни кузаткувчисен.
Емон бўлсам ҳамки, сенинг бандангман,
Мен нима ҳам қилай? Яраткувчи — Сен.

8

Улким, бош косасин бино қилибдур,
Косагар санъатин пайдо қилибдур.
Бош косасин вужуд дастурхонига
Тўнтариб, лиқ тўла савдо қилибдур.

9

Умринг қачонгача ўзим деб ўтар,
Иўқлик-борлик аро кезим деб ўтар.
Ичиб қол, ҳам бўлгач умринг пайида
Уйқу ё мастликда бир зумдек ўтар.

10

Кечаги кунингни айламагил ёд,
Эртанг келмай туриб, этма кўп фарёд.
Ўтган, келмаганга қайғурмоқни қўй,
Қувноқ бўл, умрингни қилмагил барбод.

11

Дерлар: жаннатда ҳур бўлмоғи яхши,
Менга узум сувни булоғи яхши.
Чунки насясидан нақдроғи яхши,
Ноғора товушини узоғи яхши.

12

Азалда лойимни қорганда худо,
Биларди феълимдан не бўлур пайдо.
Ҳукмидан ташқари эмас гуноҳим,
Хўш, нечун маҳшарда беради жазо?!

13

Сен — мендан олдин ҳам тун-кун бор эди,
Айланган фалак ҳам бутун бор эди.
Тупроққа авайлаб қадамнингни қўй,
Бу тупроқ қора кўз бир нигор эди.

14

Жонимиз бу танни тарк этиб кетар,
Икки ғишт гўримиз кўзин беркитар.
Кейин бошқа гўрга ғишт қўймоқ учун,
Бизнинг тупроқларни эзиб лой этар.

— 12 —

15

Ичганда, ақлдан бегона бўлма,
Эс жўйиб, жаҳлга сен хона бўлма.
Истасанг қизил май ҳалол бўлишин,
Ҳеч кимни ранжитма, девона бўлма.

16

Бизлар қўғирчоғу, фалак қўрчоқбоз,
Бу сўзим чин сўздир, эмасдир мажоз.
Йўқлик сандуғига бир-бир тушамиз,
Вужуд палосида ўйнагач бир оз.

17

Ҳар сирни дилида сақласа доно,
У яширин бўлсин мисоли анқо.
Садафнинг нчида қатра дур бўлур —
Сир қилиб қалбида яшургач дарё.

18

Мени файласуф деб, ёв қилур хато,
Мен ундай эмасман, билади худо.
Шу қайғу уйига келгач, ўзимни —
Ким билсам ўшандан камроқман, ҳатто.

— 13 —

19

Бу кўза мен каби ошиқ зор эди,
Севгани қаро соч бир нигор эди.
Кўза бўйнидаги даста бир маҳал —
Қўл эди, ёр қучиб бахтиёр эди.

20

Ераб, лойимни-ку, қорган ўзингсан,
Уриш — арқоғимни ўрган ўзингсан.
Емонманми, яхши, мен қандоқ қилай!
Тақдир манглайини берган ўзингсан.

21

Тангри, ўзинг шундай яратдинг мени,
Маю чолғувчига қаратдинг мени.
Азалда шу хилда яратиб қўйиб,
Нечун дўзахингга қулатдинг мени?!

22

Каъбаю бутхона қуллик хонаси,
Бутхона занги ҳам шум таронаси.
Меҳробу калисо, тасбеҳу салиб —
Барчаси қулликнинг бир нишонаси.

— 14 —

23

Фалакка ҳукм этган тангридай бўлсам,
Фалакни қилардим ўртадан барҳам.
Янгидан шундай бир фалак тузардим,
Яхшилар тилакка етарди ул дам.

24

Кулол дўконига кирдим бир сафар,
Дастгоҳда ишларди уста кўзагар,
Гадо қўлидану шоҳнинг бошидан
Кўзанинг бўйни-ю дастасин ясар.

25

Масжидга кетгандим бир ниёз учун,
Рост айтсам, ўйлама, ҳеч намоз учун.
Жойнамоз ўғирлаб эдим, эскибди,
Яна аста келдим жойнамоз учун.

26

Муфти, сендан кўра пуркорроқдирмиз,
Ўта маст бўлсак ҳам ҳушёрроқдирмиз.
Биз ток қонин ичамиз, сен одам қонин,
Инсоф қил, қайсимиз хунхорроқдирмиз.

27

Бизлар бўлмасак ҳам жаҳон бўлғуси,
Бизлардан на ному нишон бўлғуси,
Аввал-ку йўқ эдик, етмовди халал,
Яна бўлмасак ҳам, ҳамон бўлғуси.

28

Мен келдим, дунё кўрдими фойда!
Кетсам, мартабаси ошарми? Қайда?
Ҳеч ким тушунтириб бера олмади:
Келишим — кетишим сабаби қайда.

29

Дўзаху жаннатни ким кўрган, э дил,
У дунё хабарин ким берган, э дил.
Қўрқув умидимиз шулардан, аммо —
Ному нишонасин ким билган, э дил.

30

Сабодан бўлибди гул ёқаси чок.
Гул юзидан булбул бўлмиш тарабнок.
Гул тагида ўтир, чунки жуда тез
Гул ерга тўкилур, биз бўлурмиз хок.

— 16 —

31

Бу ернинг юзида ҳар зарраки бор,
Бир замон бўлмишди ой юзли дилдор.
Нозанинлар юзин гардин аста арт,
Гўзал чеҳра эди бир вақт бу ғубор.

32

Ҳушёр бўлсам, мenden хурсандлик йироқ,
Маст бўлсам, ақлимдан ажрайман бироқ.
Мастлигу ҳушёрлик оралиғи бор,
Ҳаёт шу, унга қул бўлсам яхшироқ.

33

Бир ботмон бодани бир жомга солсам,
Икки жом май билан бой бўла қолсам.
Аввал ақлу диним қилиб уч талоқ,
Сўнгра ток қизига ўйланиб олсам.

34

Шундай ичайинки, ўлсам ул шароб —
Ҳиди мозоримдан чиқсин бурқираб
Хумори ўтарса қабрим бошидан
Иси элитсину айласин хароб.

— 17 —

35

Дунёда улуғ сўз — қуръон ўқилур,
У ҳам мудом эмас, аҳён ўқилур.
Пиёла четида бир оят борки,
Ҳар жойда, ҳамиша, ҳамон ўқилур.

36

Қўлимда ҳар маҳал қадаҳ тутганман,
Минбару дафтарнинг баҳрин ўтганман.
Мен-ку бир ҳўл фосиқ, сен қуруқ зоҳид,
Ҳўл — ёнмас, на кўриб, на эшитганман,

37

Мен ўлсам, май бирла ювишни кўзланг,
Иўқловда жом бирла шаробдан сўзланг,
Қиёмат кунда топмоқ бўлсангиз,
Майхона тупроғин тубидан изланг.

38

Мастни таъна қилма, ичмасанг соғар,
Ғийбат — дoston қилма, бўлма ҳийлагар.
Кеккая кўрма ҳеч май ичмайман, деб
Сенинг қилмишларинг бундан бешбаттар.

39

Шайх фоҳишага дер: Нима бу ишинг,
Маст бўлиб, қўлма-қўл қўниб юришинг?!
У дер: Мен шундаймен, аммо сен айт-чи,
Сиртинг кўрсатгандай покми қилмишинг?!

40

Э чарх, нокасларни қилдинг фаровон —
Ҳаммому уй бердинг, ер, сув, тегирмон,
Тўғри киши гаров бир бурда нонга,
Жирттакка арзимас бундайин даврон.

41

Бу саройда Баҳром ичар эди жом,
Энди кийик, тулки олади ором.
Бир умр кулонлар овлар эди у,
Ўлимга қулондай овланди Баҳром.

42

Жаннатда ҳам ҳуру ҳам май бўлармиш,
Ҳаммаси мўл-кўлу нўмай бўлармиш,
Биз маю машъшуқни севсак арзийди,
Чунки оқибат ҳам шундай бўлармиш.

— 19 —

43

Бизга фалак иши — фақат ташвиш-ғам,
Бирини тикласа, бошқаси барҳам,
Ҳали келмаганлар бундан беҳабар,
Хабар топа қолса келмас эди ҳам.

44

Маст булбул йўл олди гулистон томон,
Унда топди бода ҳам гули хандон.
Юрак тили билан шивирлаб айтди:
«Бўш қўйма», ўтган умр қайтмас ҳеч қачон!»

45

Хуррамлик китобин ўқимоқ керак,
Дилда ғам кўкати ўсмасин андак.
Май ичиб, истагинг ўринлат доим,
Маълумки, тез келур ўлимдан дарак.

46

Билоғонлар бор-ди ўхшаш офтобга,
Ҳар бири хазина илму одобга.
Бу қоронғи тундан йўл топишолмай,
Бирор афсона деб кетдилар хобга.

— 20 —

47

Мастлар дўзахийдир, деб айтсалар, сиз
Бу хилоф сўзларга кўнгил бермангиз,
Ошиқлару, мастлар дўзахга тушса,
Жаннат кафтдек тақир қолғуси сўзсиз.

48

Билмадим, қорилган чоғида лойим,
Жаннатми, дўзахдан аталган жойим.
Менга нақд бўлса бас ёр, чолғу, шароб,
Нася жаннат сенга бўлсин ҳар дойим.

49

Май ичиб қувонмоқ онним менинг,
Куфру дин бимаслик соф диним менинг,
Дунё келинидан қалинин сўрдим,
Деди: шод дилингдир, қалиним менинг,

50

Май ич мангу ҳаёт, ҳайҳот, мана шу,
Ёшлиқнинг даврони, эй зот, маъна шу,
Гул фаслида маю маст улфат билан
Бир дам ўйца, асли, ҳаёт мана шу!

51

Табиат тартибин яратиб оллоҳ,
Нечун чил-чил қилиб отади, э воҳ,
Яхши бўлса нега парчалар уни
Ёмон бўлганида айт, кимда гуноҳ?!

52

Лола юзин ювди ёғингар кўклар,
Лиммо-лим қадаҳга қўл узат бардам.
Буқун сен сайр этган ушбу кўкатлар
Эрта тупроғингдан унар жамулжам.

53

Дилим илмлардан маҳрум бўлмабди.
Бир сир қолмадики мафхум бўлмабди.
Туну кун ўйладим етмиш икки йил.
Онгладим — ҳеч нарса маълум бўлмабди.

54

Тўнкарилган жомдай кўринар осмон,
Остида забундур кимки билагон.
Шиша-ю қадаҳнинг дўстлигини кўр,
Лаб қўйиб ўпишар, ўрталикда қон.

— 22 —

55

Шод бўлмоқ истасанг элдан тама уз,
Давр яхшими, ёмон — иноқликни буз.
Қадаҳу ёр сочи бўлсин қўлингда,
Ўтар бу давринг ҳам бу кеча-кундуз.

56

Бир қўлда қуръону биттасида жом,
Баъзида ҳалолмиз, баъзида ҳаром.
Фируза гумбазли осмон тагида
На чин мусулмонмиз, на кофир тамом.

57

Зухра, ой осмонга чиққан кезданоқ
Майдан соз нарсани ким кўрган... бироқ —
Ҳайронман майфуруш бодани сотиб,
Пулга нима олур ундан яхшироқ.

58

Бир кекса маст эрди, уйқуда эрди,
Эс-ҳушин шипириб шамолга берди.
Май ичиб, маст бўлиб, ухлаб гангираб,
«Валлоҳу латифун бинбодиҳ» дерди.

— 23 —

59

Муҳтожлик қўйида кўнгилни овла,
Юракка яқини маъқулни овла.
Бир дилча турмас юз лойхона Каъба,
Каъбада нима бор, бир дилни овла.

60

Жаҳонда ғам ема, қўлингдан келса,
Яхшимас бор-йўқдан дил дардга тўлса,
Беш кунлик дунёда шодлик-ла еб-ич,
Бир дон элтолмасса хазинанг бўлса.

61

Хўрагимни май-ла тўкис — бут қилинг,
Қаҳрабо юзимни нақ ёқут қилинг.
Жаҳондан кўз юмсам, шаробга ювиб,
Ток зангидан менга бир тобут қилинг.

62

Ичиб қол, тупроғинг тўзон бўлғуси,
Лойингдан пиёла — жонон бўлғуси,
Жаннату дўзахни ўйлаб ўтирма,
Оқил бунга асир, қачон бўлғуси.

— 24 —

63

Сенинг мафтунингман берайин хабар,
Уни икки сўз-ла этай муҳтасар:
Ишқинг тупроқ қилгай, аммо меҳрингдан
Бошимни кўтариб, бўлгум жилвагар.

64

Афсус ёруғ умрим — қаро тун бўлди.
Ажал дастидан кўп жигар хун бўлди.
У дунёдан келиб, айтмади ҳеч ким:
Кетганлар бошида қандай кун бўлди.

65

Ҳар ким ақл сўзига соларкан қулоқ,
Чиндан, оқибатда бу ҳўкиз соғмоқ!..
Ёўр ақлинг зўр келиб май сотмаяпсан,
Аблаҳлик тўнини кий, шу маъқулроқ!

66

Кекса, ёш — ҳаётга ҳар кимки етар —
Ҳаммаси изма-из бирма-бир ўтар.
Бу дунё ҳеч кимга қолмас абадий,
Кетдилар, кетамиз, келишар, кетар.

— 25 —

67

Дилим бўлган эди битта ёрга зор,
У ўзга бир ерда ғамга гирифтор.
Мен ундан ўзимга дору изласам.
Нетай, табибимнинг ўзи ҳам бемор.

68

Юрагим қонидан юз хона вайрон,
Уввос тортувимдан қўрқинч юз чандон,
Ҳар бир кипригимда қон дарёси бор,
Киприклар юмилса бошланур тўфон.

69

Киши ўзлигидан яхши, ёмон ҳам,
Қазову қадару қувонч ёки ғам.
Ақл айтур буларни чархга тўнкама,
Чарх севдан ожизроқ бечора-ю, кам.

70

Истагим майи ноб бўлгани — бўлган,
Тинглаганим рубоб бўлгани — бўлган.
Менинг тупроғимдан кўза қилсалар,
У ҳам тўла шароб бўлгани — бўлган.

— 26 —

71

Гул дер: Мен Юсуфмен Миср — чаманда.
Еқутдан қимматроқ зар тўла ханда.
Дедим: Юсуф бўлсанг, кўрсат нишона,
Деди: Боқ, қонлидир кўйлагим танда.

72

Тур, гўзал, очилсин баҳри-дилимиз,
Жамолинг ҳал қилсин ҳар мушкулимиз.
Тупроғимиз кўза бўлмасдан бурун.
Бир кўза ичайлик, жўйсин кўнглимиз.

73

Тонгла ухдасидан чиқолмас киши,
Не ҳожат савдоли дилинг ташвиши!
Ойдинда май ичгин, эй, ой, биздан сўнг
Ой бизни тополмас, кезиб ёз-қиши.

74

Бизга гул тегмаса, тикан — хор ҳам бас,
Нур егмаса, олов-гулхан — нор ҳам бас.
Жанда тўн, ханоқоҳ ё шайх бўлмаса,
Қўнғироғу черков ва зуннор ҳам бас.

— 27 —

75

Май ичсанг, ўзингдан беҳабар қилур.
Евингни ер билан баробар қилур,
Ҳушёрлик фойдасиз, оқибат ғами
Дилни ўртай-ўртай яралар қилур.

76

Ҳар қанча бўлса ҳам юзгинам гўзал,
Қоматим сарв каби тикка, мукаммал,
Тушуна олмадим, нега бунчалик
Оро берган экан наққоши азал.

77

Афсуски йигитлик мавсуми битди,
Кўклам ўтиб кетди, қиш келиб етди.
Ёшлик деб аталган у севинч қуши
Билмадим, қачонлар келди-ю кетди.

78

Кимнингки бор эса бир бурда нони,
Ўзига яраша уй-ошнени,
На биров унга қул, на у бировга.
Айт, шод яшайверсин, хушдир замони.

— 28 —

79

Ичкилик кеккайган бошни қилур ҳам,
Майдан ечилмаган бирор тугун кам.
Бир қултум май ичган бўлсайди шайтон
Минг сажда қиларди одамга ул ҳам.

80

Ҳум тувоғи Жамшид давлатидан соз,
Қултум май Марямнинг овқатидан соз.
Мастларнинг тонготар чеккан оҳлари
Бусайид, Адҳамнинг ниятидан соз.

81

Бу кўп эски равоат, олам унга ном, —
Тун-кун тулпорига бор бунда ором.
Бу эски базм юзлаб Жамшиддан қолди,
Бу гўрда ётади юз-юзлаб Баҳром.

82

Келиб — кетмоқдамиз — қани наф — мазмун,
Вужудимиз ўриш — арқоқсиз бутун.
Қанча пок дилларни фалак оташи —
Куйдириб, қул қилур, лек қайда тутун?!

— 29 —

83

Ситамгар, ўткинчи даврондан қўрқма,
Кўргилик ўтади, жаҳондан, қўрқма.
Ғам чекма, нақд умринг ишратда ўтказ,
Нақ шундоқ келажак замондан қўрқма.

84

Шодлик истама, қўй, умринг бир дамдир,
Тупроқда ҳар зарра Кайқубод, Жамдир.
Жаҳону борлиқнинг иши бирйўла —
Уйқудир, хаёлдир, ҳийладир, ғамдир.

85

Эй дўст, халос бўлайлик эрталик ғамдан,
Нақд деб баҳра олайлик ғанимат дамдан.
Етмиш минг йилгилар билан тенгмиз-да —
Эргага кетсак бу кўҳна оламдан.

86

Йўқлиқдан пок келиб, нопок бўлдик биз,
Шўху қувноқ келиб, ғамнок бўлдик биз.
Кўзимиз тўла ёш, юракда олов,
Умр елга кетди ҳам хок бўлдик биз.

— 30 —

87

Дедим: Энди майи гулгун ичмайман,
Май — ток қони, энди мен хун ичмайман,
Кекса ақлим айтди: Шу гапинг ростми?
Дедим: Ҳазиллашдим, нечун ичмайман?!

88

Дунёга келибмен, бўлдим доим маст,
Қадр кечаси ҳам мен масту аласт.
Лабим жом лабида, қучоғимда хум,
Тонг отгунча қўлим кўзага пайваст.

89

Кўза-ю косангни кўтар, эй дилдор,
Кўкалам сув бўйи, салқин жойга бор.
Бу чарх кўп сарв қад, ой юзликларни
Гоҳ кўза, гоҳ коса қилмиш неча бор.

90

Май балқиган ёқут, кўзаси кондур,
Қадаҳи бадану шароби жондур.
Биллурун бу қадаҳ майдан хандондур,
Кўз ёшдир, дил қони унда пинҳондур.

91

То ғам бошимизга солгунча ғавғо,
Айтгил, май берсинлар бизга бебаҳо,
Олтин эмассан-ку, билиб қўй, нодон,
Кўмгач қайта кавлаб олмаслар асло.

92

Баҳор айёмида гўзал паризод —
Бир коса май бериб, дилим этса шод,
Кншилар наздида хунук бўлса ҳам,
Ит бўлай, жаннатни бир бор қилсам ёд.

93

Мастона йўл олдим майхона томон,
Кўза қучган маст чол бўлди намоён.
Дедим: Уялмайсан худодан нечун!
Ул деди: Ичавер, худо меҳрибон.

94

Май ичамен, мастлик қилмайман асло,
Қадаҳдан ўзгага бўлмайман бало.
Бода ичишликдан менниг ғаразим —
Ўзимга сен каби қўймаслик бино.

— 32 —

95

Шўрлик умримизга чарх сиртмоқ — камар,
Жайхун кўзимизнинг ёшидан асар,
Беҳуда ранжимиз дўзах учқуни,
Жаннат — умримизда тинч бир дам магар.

96

Тонг чоғида тургил, нозанин гўзал,
Майдалаб ичайлик, рубобингни чал,
Дунёда бор одам узоқ турмайди,
Кетганлари қайтиб келмас ҳеч маҳал.

97

Нечун, биласанми, хўроз ҳар саҳар
Туриб, мотамзада оҳ-нола қилар.
У бизга дейдики: «Тонг ойнасида
Умрингдан тун ўтди, ўзинг беҳабар!»

98

Май ичсанг, оқилу доно билан ич,
Ёки бир гул юзли зебо билан ич.
Оз-оз ич, гоҳ-гоҳ ич, ҳам яширин ич,
Эзма, расво бўлма, ҳаё билан ич.

2—977

— 33 —

99

Осмонда бир ҳўкиз номимиш Парвия,
Бириси қуйида кўтарар замин.
Кўзингни катта оч, қўш ҳўкиз аро
Кўриб қўй қанчалаб эшак юрганин.

100

На иссиқ, на совуқ, чиройли баҳор
Булут гул юзидан ювади ғубор.
Сариқ гулга булбул юрак тилидан
Фарёд қилиб дейди: «Май ичмоқ даркор!

101

Ишқдир абадийлик авжида офтоб,
Ҳаёт чаманида толедан хитоб,
Булбул каби нола қилмоқ ишқ эмас.
Ишқ — нола қилмаслик бўлсанг юз хароб.

102

Э май, сен маъшуқа, мен сенга шайдо,
Ичаман, қўрқмайман бўлишдан расво.
Майни шундай ички кўрганлар десин:
— Э май хуми, қайдан бўлмишсан пайдо?

— 34 —

103

Бир ғариб кўнглини қила олсанг шод —
Яхшидир ер юзин қилгандан обод —
Лутфинг-ла бир дилни қўл қила олсанг,
Афзалдир юз қўлни қилмоқдан озод.

104

Тупроқни топтайди нодон, оёғи,
Билмаски, бу жонон юзин тупроғи,
Сарой кунгирасин безаган ҳар ғишт —
Султон калласи ё вазир бармоғи.

105

Бир қултум май мулки Қобусдан яхши,
Қубод пойтахти — у Тусдан яхши.
Ошиқлар саҳар пайт чеккан ҳар бир оқ
Зоҳиддаги сохта товушдан яхши.

106

Қўлимизда бўлса оқ буғдой нони,
Бир коса шаробу қўйнинг бир сони.
Дилбар билан майли вайронадамиз,
Бу айшин тополмас жаҳон султони.

107

Ё раб, сен Каримсен, каримн карам,
Нечун осийларга берк боғи Эрам.
Сигинсам, кечирсанг — бу карам эмас,
Гуноҳим кечирсанг — карамдир, карам.

108

Кўп сусткашлик қилмай ўтказ намозинг,
Барча билан боҳам кўр кўпу озинг.
Қасд қилма бировнинг молу жонига,
У дунё мен кафил, бер маю созинг.

109

Бу кун бахтинг боғи гулга тўқиндир,
Қўлинг нечун майсиз, юрагинг тиндир.
Май ичгил, замона алдамчи бир ёв,
Бундай кунни топмоқ жуда қийиндир.

110

Бир кун тушимда қари билимдон
Деди: уйқу билан бахт кулмас, нодон.
Эрта кун ажалга қўшоқ бўламиз,
Ичиб қол, тупроқда ухларсан ўбдон.

— 36 —

111

Кулол дўконига кирдим, кўзагар —
Лой ишлар, кўрсатиб ажойиб ҳунар.
Ҳеч ким кўрмагани мен кўриб қолдим,
Ота — бобом лойин қўлида эзар.

112

Биз бир экин-тикин, қазодир деҳқон,
Ғам чекмоқ беҳуда, фойдасиз фиғон,
Қадаҳни тўлдириб, тезроқ қўлга ол,
Бўлар иш бўлибди, ичай беармон.

113

Бир жом шароб арзир юз дилу динга,
Бир қултум май арзир давлати Чинга.
Дунёда боладан яхши ёқут йўқ,
Аччиғи арзийди жондай ширинга.

114

Тирикликдан нима ғаминг бор, э ёр,
Беҳуда фикрдан дил-жонда озор.
Қувноқ яшагилу умринг шод ўтказ,
Тақдир қўлингдамас, нима чоранг бор?!

115

Олам тузоғидан озод эмасмиз,
Бир нафас олмоқдан ҳеч шод эмасмиз,
Ҳаётга кўп шогирд бўлдигу ҳануз —
Дунёнинг ишига устод эмасмиз.

116

Кўнглим бўлгач намоз-рўзага мойил,
Дедим буткул мурод бўлғуси ҳосил.
Бир ел билан, афсус, синди таҳорат,
Рўзамни бир қултум май қилди ботил.

117

Бозорда бир кулол кўрсатиб ҳунар,
Бир бўлак хом лойни тегиб пишигар,
Лой инграб айтади: Ҳой, секинроқ теп,
Мен ҳам кулол эдим сендек, биродар.

118

Тирик юролмайман шаробсиз бир дам,
Тан юкини майсиз тортолмайман ҳам.
Садқаси кетайин шундай дамниким,
Соқи май узатса, ололмай қолсам.

— 38 —

119

Ёшлиқда биз шогирд, ўзгалар устод,
Сўнгра устод бўлиб, дилни этдик шод.
Охири қаерга етишдик десанг,
Тупроқдан чиқиб, бўлибмиз барбод.

120

Дўсту яқинларим бир-бир кетдилар,
Ажалдан тупроққа кириб битдилар.
Умр мажлисида ичдик бир қури,
Аввалроқ маст бўлиб, бари йитдилар.

121

Бу замон ақлдан фойда йўқ зинҳор,
Ақлсиз кишига жаҳон унумдор.
Ақлимни олгувчи нарсани келтир,
Шунда зора замон менга бўлмай ёр.

122

Хайём, ичкиликдан кайф қилиб, шод бўл,
Бир дам гўзал билан ўлтириб, шод бўл.
Жаҳонда ҳар ишнинг поёни йўқлик,
Йўқлигу борлиқни бир билиб, шод бўл.

123

Бунчалик ғам ема, ўткинчи — жаҳон,
Бир дамлик умрингда бўл шоду хандон,
Бошқалар кетидан келмасди навбат,
Вафо нималигин билганда даврон.

124

Улким жаҳон тузди, чарх — афлок тузди,
Кўнгилга доғ солди, ҳам чок-чок тузди.
Жуда кўп ёқут лаб, ой юзликларни
Ер ичра жо қилди, бир кафт хок тузди.

125

Лабим қўйиб кўза лабига бир дам,
Узун умр воситаси талабин қилсам,
Лабин келтирди-ю, лабимга, деди:
Мен ҳам сендек эдим, бир дам бўл ҳамдам,

126

Фалак қулоғимга гапирди секин:
Қазо ҳукмин мендан кўрасан, лекин—
Айланишим бўлса эди қўлимда,
Ўзимни тўхтатиб, олар эдим тин.

127

Кўрдим майхонада мўйсафид хуммор,
Кетганлар хабарин қил дедим изҳор.
Дедиким: Май ичгил, биздеклар бисёр,
Кетишди, хабари келмади зинҳор.

128

Май ич, бизни фалак этмоқчи ҳалок
Жон қасдида дилни қилмоқчи чок-чок.
Сабза узра ўлтир, тиниқ майдан ич,
Ут бирла қопланар тез бизнинг ҳам хок.

129

Майдан бошқасига қисқа он яхши,
Майни ҳам узатса шўх жонон яхши
Еру кўкдан ортиқ бир пиёла май,
Бўлмоқ маст, қаландар ҳам сарсон яхши.

130

Май ичиб, яхшилар қўрин қуршамоқ —
Суфийваш жаврашдан минг бор яхшироқ.
Агар ошиқу маст дўзахий бўлса,
Жаннат бетин ҳеч ким кўрмасди ҳеч чоқ.

131

Уйлама, пулсизу ночор ичмайман,
Расволикдан қилиб ё ор, ичмайман.
Мен майни дилхушлик учун ичардим,
Бу кун-чи, қалбимда сен бор ичмайман.

132

Эй фалак, донмо ҳунаринг бузмоқ,
Эскидан одатинг зулм кўргузмоқ.
Ер! Агар бағрингни ёриб кўрсалар.
Чиқарди қанчалаб икжу ялтироқ.

133

Гул фасли, сув бўйи, кўкаламда гар
Бўлса уч-тўрт улфат, ой юзли дилбар,
Қадаҳни сипқарғил, тонгда ичганлар —
Масжиду черковдан қутулгандирлар.

134

Қўш эшик дунёда қўним йўқ андак,
Мева йўқ, қон бўлиб ўлишдан бўлак.
Шодмондир бир нафас яшамаганлар,
Онадан туғмаган роҳатда бешак.

135

Биз келиб кетувчи тўгарак жаҳон,
На боши маълуму на сўнгги аён.
Ҳеч кимса ростини айтиб беролмас:
Биз қайдан келдигу кетурмиз қаён.

136

Сирлар пардасига йўл йўқ ҳеч қандоқ,
Ҳеч ким ечган эмас — бу чигал жумбоқ.
Бизларга бирдан-бир манзилдир тушроқ,
Май ич, бу эртақлар узундан-узоқ.

137

Бу жомни кўрганлар офарин дейди,
Юз марта манглайин ўпиб ким тўйди!
Фалак кулолининг қилмишига боқ.
Нозик жом ясади, синдирди қўйди.

138

Ичавер, май ичган мангулик яшар,
Дунё лаззатининг барисин ошар.
Май деган қайгуни оловдек ўртаб,
Оби ҳаёт каби жўш. уриб, тошар.

139

Томчи сув дарёда йўқ бўлиб кетди,
Ерга чанг қўнди-ю, кўмилиб кетди.
Дунёга келишинг, кетишинг нима?
Бир чивин туғилди ё ўлиб кетди.

140

Менинг қайғуларим узундан-узоқ,
Сенинг қувончларинг чексиздир, бироқ
Унга ҳам, бунга ҳам суянма, чунки
Ҳаммани бу фалак қилар ўйинчоқ.

141

Ердан бирон гулни ундирмас осмон,
То уни қилмасин тупроққа яксон.
Туироқ булут бўлиб кўкка ўрласа,
Қиёмат кунгача ёғар эди қон.

142

Умрингдан нафас ҳам ўтса, эй инсон,
Қўлдан чиқармагил бўлмайдин шодон.
Қандоқ ўтказурсан, шундоқ ўтар умр.
Ҳушёр бўл, шундақа аслида жаҳон.

143

Фалакнинг устидан ким топди зафар,
Ер қачон одам еб тўйибди, магар—
Мени емади, деб кеккая кўрма,
Шошмай тур, кўп ўтмай навбатинг келар.

144

Қийинчилик чекиб, одам ҳур бўлур,
Садафда қамалиб, қатра дур бўлур.
Мол кетса, бош қолур унинг ўрнига.
Қадаҳ бўшатиб, қайтадан тўлур.

145

Бир-икки кунлик умр ўтади дарҳол,
Дарёда сув каби ё чўлда шамол.
Кетган ва келмаган ҳар икки куннинг
Ғамини эслатиб, кўп берма малол.

146

Уриндим қўяй деб сув бетига гишт,
Кўп безор қилди бу бутхона, куништ.
Э Хайём, ким айтар дўзахийсан деб,
Ким бориб кўрибди дўзаҳу беҳишт?

— 45 —

147

Сенга кўрсатсалар ясоғлиқ олам,
Сен севма, севмайди ақлли одам.
Сендеклар бирталай келди-ю кетди,
Сени олмай туриб, олиб қол сен ҳам.

148

Менсиз қалам сурмиш қазову қадар,
Мендан нечун яхши-ёмоним сўрар?
Кеча менсиз ўтди, ўтар бугун ҳам,
Тонгла кун нима деб қилур жавобгар?!

149

Қаландар йўлидан юрмасанг бўлмас,
Қонинг-ла юз ювиб турмасанг бўлмас.
Бу қуруқ савдони пиширолмассан,
Ўзликдан кечиб, оҳ урмасанг бўлмас.

150

Ризқингни ошиғу кам қилиб бўлмас,
Оз-кўп деб кўнгилга ғам қилиб бўлмас.
Бу ишлар сен-менинг қўлимиздаги
Мум эмас-да, эзиб ҳам қилиб бўлмас.

151

Овоза тарқалса: чиқди янги гул,
Ой юзли гўзалим, шароб келтиргил.
Ўйлама дўзаху, жаннату ҳурни —
Ҳаммаси овоза, яйраб ўлтиргил.

152

Шўх йигит, ўрнингдан тургил тонг — саҳар,
Еқут майга тўлдир биллуриин соғар.
Ҳар дам омонатдир, ўтиб кетар тез,
Сўнг қанча қидирсанг топмассен хабар.

153

Тусда бир қуш кўрдим, саҳар палласи,
Ўнгида ётарди Қовус калласи.
Қуш унга қараб дер: Оҳ, афсус, афсус,
Қани қўнғироқлар, ноғора саси.

154

У ён-бу ёнимга ташлаймен назар.
Боғларда шилдираб оққан сув — кавсар,
Кавсардан сўз очма, далалар жаннат,
Шу жаннатда ўтир, ёнингда дилбар.

155

Келмоқ қўлда бўлса, келмасдим бир дам,
Кетмоқ қўлда бўлса, кетмас эдим ҳам.
Жуда саз бўларди бу ғамхонага
Келмасам, турмасам, келиб-кетмасам.

156

Тўғрилиқ бўлсайди фалакнинг иши,
Еқтирган бўларди уни ҳар киши.
Дунёнинг ишида бўлса адолат,
Бўлмасди донолар кўнглини оғриши.

157

Дерларки, шаъбонда май ичиб бўлмас,
Ражаб худо ойна, ичма бир нафас.
Шаъбон ражаб — худо, пайгамбар ойна,
Рамазон бизники, шунда ичсак бас.

158

Лойини муштраб турган анави кулол —
Қилсайди ақл ила чуқурроқ хаёл.
Ҳеч қачон бунчалиқ тешиқилмасди,
Ота тупроғидан ясаркан сопол.

159

Эй онгсиз, билмайсан, бу олам ҳечдир,
Негизинг шамолдир бир тутам, ҳечдир.
Икки йўқлик аро қолмиш борлигинг,
Атрофинг йўқлигу ўрта ҳам ҳечдир!

160

То қайгу қўлидан ичмасдан шароб,
Қувониб ичмадим асло майи ноб.
Ҳеч кимнинг тузига нон ботирмайман,
То ўз жигаримдан емайин кабоб.

161

Умр дафтаридан фол очганда дил
Хўрсиниб сўзлади бир куйган кўнгил:
Бахтлидир ул кимса — ой юзли ёри —
Бағрида бўлса-ю оқшоми бир йил.

162

Гул узра кўкламнинг шабнами яхши,
Чаманда юз очган ҳамдами яхши.
Яхшимас кечаги кундан сўз очмоқ,
Қувнаб қол, бу куннинг ҳар дами яхши.

— 49 —

163

Оғриқмен, иситма имтиҳон қилур.
Ичмасам, май менга қасди жон қилур.
Бу ажаб ишни кўр, бетоблигимда
Майдан бошқа нарса кўп зиён қилур.

164

Хоҳлаган ишимни хоҳламас худо,
Қачон истагимни айлабди бажо.
Унинг истаклари тўп-тўғри бўлса,
Менинг истакларим барчаси хато.

165

Бадбахтмен, гуноҳдан ҳеч қутулмадим,
Аммо ўтпарастдек ноумид бўлмадим.
Тонг чоғи ўларсам бош оғриғидан,
Маю маъшуқ керак, жаннат демадим.

166

Бошга чарх кулфати тушмасдан ҳали,
Келингиз қўр тўкиб, шароб ичгали.
Бу фалак, дунёдан ўтар чоғимиз —
Қўймади бир томчи сув ҳам ютгали.

— 50 —

167

Уру қир айландик, хўп кездик олам,
Ишимиз ўринлаб тузалмади ҳам.
Ноқулай замонда ўтган умримиз
Яхши ўтмаса ҳам ўтолди кам-кам.

168

Гул юз ёр ҳеч кимга насиб этмас экан,
То унинг дилига санчилмай тикан.
Тароққа назар сол, ёрнинг сочига —
Етгунча юз бўлак бағри тилинган.

169

Қувончлар йўлини тутиб ҳарқалай,
Қирғоқда ёр ила ичсанг тоза май,
Бор бўлдим, бордирман, то бор бўламан,
Май ичдим, ичяпман, ҳар доим ичай.

170

Ким кунлар ғамидан дилни қилур қон,
Хайём, ул одамдан уялур замон.
Шишанг тошга тегиб сиймасдан бурун,
Шишада май ичгил, саз чалиб нолон.

171

Э дил, бу жумбоқни ҳал этолмассан,
Донолар сўзини сен этолмассан.
Май ичиб, шу ерда жаннат пайдо қил,
Жаннатга етарсан, ё этолмассан.

172

Мастдим, тошга урдим кўзамни бир кун,
Ул кўнгли тилидан чиқарди бир ун:
«Мен ҳам сендек эдим, сен ҳам охири
Бўлурсан меннингдек — ранжитмоқ нечун!»

173

Ўз шабнамин тўкма, ток — бир келиндай
Ирkitлар қонини тўкавер, қўрқмай,
Икки минг бемаъни қонин тўксанг ҳам,
Тўкмагил тупроққа бирор қултум май.

174

Уятдир танилсанг, чиқса яхши от
Дунёдан ранжимоқ жуда ҳам уёт.
Художўй бўлдим деб кеккаймагилу,
Узумнинг сувига тўю учиб ёт.

175

Бизга маю маъшуқ, сизга дайр ташвиш,
Сиз жаннат аҳли-ю, бизга дўзахмиш.
Азал гуноҳимиз нима, айтинг-чи,
Тақдир лавҳасида шундай ёзилмиш.

176

Бошқалар бошидан нечук айланай,
Ё янги севгини бошлайин қалай.
Кўзимдан дув оққан ёшим қўймагач,
Ўзга ёр ҳуснига қандоқ бойланай.

177

Қани ул сирдош дўст, сир айтсам бир дам,
Азалда қандайин бўлганди одам:
Жафо-ю, қайгудан қорилган лойи,
Бирйўл жаҳон кезиб, тез узди қадам.

178

Хушвақт бўл, ғуссанинг чеки йўқ бирон,
Бу чарх юлдузларга солади қирон.
Сенинг тупроғингдан ясалган гиштар,
Бўлар ўзгаларга манзили мақон.

179

Нокадан сир беркит, тилинги боғла,
Аблаҳдан яширин бўлмоқни чоғла,
Кишилар жонига ўз қилмишинг кўр,
Сен ҳам шунга кўз тут, шун сўроғла.

180

Эски, янги майга биз-ку харидор,
Оламини бир донга сотишга тайёр.
Мен ўлиб кетарда «Қайга!» деб сўрма,
Май беру хоҳлаган жойингга юбор.

181

Жанда тўнни хумнинг оғзига ёпқум,
Харобат гардига қилдик таяммум.
Майхона хокидан топармиз ҳаёт,
Чунки ҳаётимиз шунда бўлди гум.

182

Жаҳон сири бўлсин дил дафтарида
Очсанг бошга бало эл назарида,
Дилдаги ҳар гапни айтиб бўлмайди.
Сен бу нодонлардан турғил нарида.

183

Ариқ лабидаги ҳар гиёҳ, кўкат —
Малакдай гўзалнинг юзидаги хат.
Бу сабза лоладек юзлар тупроғи,
Сабзага авайлаб оёқ қўй ғоят.

184

Ҳой, кулол, қулоқ сол, гар бўлсанг ҳушёр,
Қачонгача қилгунг тупроғимиз хор!
Фаридун бармоғин, Қайхусрав кафтин
Чархингга қўйибсан, на андишанг бор?!

185

Қайдаки гулзордир, шан лолозордир,
У ерда шаҳриёр — шоҳ қони бордир.
Қайдаки бинафша унади ердан
Бир гўзал холи эди, энди ғубордир.

186

Кимга маълум бўлса жаҳоннинг сири,
Қувончу ҳам фарқсиз биридан-бири.
Чунки ўтмай қолмас яхши ҳам ёмон
Хоҳ бари дард бўлсин, хоҳ дармон бари.

187

Кошки тинч жой топиб, кетиб бўлсайди.
Е бу узоқ йўлни ўтиб бўлсайди.
Юз минг йилдан кейин орзу-умидлар
Тупроқдан кўкатдек униб кулсайди.

188

Соқий, дилим тўлиб-тошмоқчи бўлса,
У — денгиз, тошмайди қанчалар тўлса.
Сўфий дили лим-лим жаҳлга тўла
Бошга чиқар қултум май юта қолса.

189

Эй тун-кун дунёга кўз тиккан киши,
Ақлингни жўймасин дунё ташвиши.
Ахир, эсингни йиғ, ҳушёрроқ бир боқ,
Недир бошқаларга унинг қилмиши.

190

Бу кун келар экан қўлингдан, зинҳор,
Азизлар хотирин шод эт, э дилдор.
Ҳуснинг салтанати турмас абадий,
Тўсатдан қўлингдан кетиши ҳам бор.

— 56 —

191

Танангда бор экан томир, суяк, пай,
Яшайвер тақдирнинг уйидан чиқмай.
Ёв Рустам бўлса ҳам бўйнингни эгма,
Миннат чекма дўстинг бўлса Ҳотам Тай.

192

Қанчалар арз қилсам мен нодонликдан,
Дил шунча танг бўлур нотавонликдан.
Бундан сўнг бойлайман белимга зуннор,
Уялиб гуноҳу мусулмонликдан.

193

Дил — унинг дардига тўлса яхшидир.
Бош — йўлин тупроғи бўлса яхшидир,
Ғам тигин дўст отса, унга ранжима,
Ҳар нарса дўстингдан келса яхшидир.

194

Дейдилар: Шаробни бундан камроқ ич,
Узринг не, улфатинг — ичку эрта-кеч.
Узрим ёр юзи-ю, саҳар бодаси,
Инсоф қил, бундан чўнг узр борму ҳеч.

195

Дейдилар, ким қилса тоат-ибодат,
Қандай ўлса, шундай уйғонур албат.
Доимо маю ёр билан биргамен
Мен шундоқ тирилгум бўлса қиёмат.

196

Тур, э дил, чанг чалиб базм қурайлик,
Ичиб, ёмонликка номни бурайлик.
Сотиб жойнамозни пиёла майга,
Риё шишасни тошга урайлик.

197

Ишқингдан йўқ менга ору маломат,
Ишқдан беҳабарга қилмам ишорат,
Бу ишқ шаробидир мардларга дори,
Номардларга насиб бўлмас бу роҳат.

198

Жаҳон ишин алвон-алвон кўрамен,
Оламни тез ўтар бир он кўрамен.
Худо ҳаққи, қайга назар ташламай,
Шунда бахсизлигим аён кўрамен.

199

Кўплар донишманд деб билдилар ўзни,
Худонинг зотидан очдилар сўзни.
Ҳеч бири билолмай азал сирларини,
Алжираб-валжираб юмдилар кўзни.

200

Афсуски, бекордан-бекор сўлдик биз,
Фалакнинг дастидан кукун бўлдик биз.
Кўз очиб юмгунча кўрган аламдан
Тилакка етолмай, охир ўлдик биз.

201

Кўп ёмон фалакнинг феъл-афъоли, бил,
Дўстлардан жаҳонни бўшу холи бил.
Қўлингдан келганча ўзинг билан бўл,
Кечадан, тонгладан шу дам олий, бил.

202

Муғона бодадан маст бўлсам бордур.
Ошиқу ринд бутпараст бўлсам бордур.
Ҳар ким мени ҳар хил гумон қилади,
Қандайлигим фақат менга ошқордур.

203

Соқий, гулу кўкат ҳозир кўп қувноқ,
Билки, бир ҳафтада у бўлур тупроқ.
Май ич, гул тер, кўзни юмиб очгунча
Гул ерга тўкилур, қовжирар ўтлоқ.

204

Соқий, ёнда бўлса ёқут лаб санам,
Қадаҳингда Ҳизр суви бўлса ҳам,
Зухро-мутриб, Исо бўлса-да ҳамдам,
Шодлик бўлмас, хотир бўлмас эса жам.

205

• Келолмагач қайтиб ушбу оламга,
Қўрқамен етмасмиз ёру ҳамдамга.
Бу дамни ганнмат ҳисоб этайлик,
Балки етолмасмиз ҳатто шу дамга.

206

Бўлмагач ҳақиқат қўлингда аён,
Утмассен бутун умр кўнгулда гумон,
Яхшиси май жомини қўлдан қўймайин,
На масту на ҳушёр бўлайлик шодон.

207

Осмонга чиқ, қаро ер бўлсин жаҳон,
Май ич, гўзалларга бўлиб гиргиттон,
Нима керак ғазаб ёки ёлвориш,
Кетгандан келмади ҳеч ким, ҳеч қачон.

208

Ўз эркингда эмас, ахир, эрта кун.
Эртангни кўп ўйлаб бўлма жигархун.
Бу дамни бекорга кетказма асло,
Билиб қўй, дунёга бўлмайсен устун.

209

Офтоб тонг камандин туширди томга,
Қундуз шоҳи муҳра солмишдур жомга,
Май ич, ишқ нидоси саҳар пайтида
«Ишрабу... овозин ёйди айёмга.

210

Токай ҳийлагар умр солар тузоққа,
Токай май лойқасин тўтар дудоққа.
Ҳийласи дастидан қолган умримни
Бир қултум май каби сочай тупроққа.

211

Бу қабрдагилар бўлмишлар тууроқ,
Зарра-зарра бўлиб ётишар тарқоқ.
Оҳ, бу қандай шароб, уни нчганлар
Қиёматга қадар эс-ҳушдан авлоқ.

212

Қайғумдек узоқ умр кўрсин у ғазел,
Букун яна лутфдан кўрсатиб жамол,
Кўзимга бир нигоҳ ташлади кетди,
Яъни, «Яхшиликни қил, дарёга сол».

213

Кулол дўконига ташладим назар,
Икки мингча кўза жим суҳбат қурар:
— Қайсимиз сотувчи, — деди бир кўза, —
Қайсимиз олувчи, қани кўзагар?

214

Сотардик хон тахти, тўжи Кай бўлса,
Салла, чопонни ҳам, агар най бўлса,
Фирибнинг лашкари бўлган тасбеҳни
Бирдан сотар эдик қултум май бўлса.

— 62 —

215

Бор-йўқнинг зоҳири — юзини билдим,
Баланд-паст илдизи — изини билдим,
Мансаб деб мастликнинг ўзин билмасам,
Билимим ҳайф кетсин, ўзини билдим.

216

Кафтида лаълин май, ёнида санам,
Чаманда ўтирса бахт бўлиб ҳамдам.
Май ичиб фалакдан ҳеч емаса ғам,
Ишрат майин кайфин сургай шул одам.

217

Биласанми савсан ҳам сарв тақдирин
Оғизларда дoston бўлганлик сирин?
Бириси юз тили билан жим турар,
Бириси юз қўлдан узатмас бирин.

218

Маст қўлига тушса пиёла, асло
Уни синдирмоқни кўрмайди раво.
Шунча нозанинлар қўл, бош чаноғин
Ким синдиради, ким берганди оро!

— 63 —

219

Улар жойинг ҳо Балх, хоҳи Нишопур —
Аччиқми, чучукми ўтар бу умр.
Май ич, ой осмонда биздан кейин ҳам
Неча марта шом еб, неча бор тўлур.

220

Токай бутхона-ю масжиддан дейсан,
Токай жаҳаннаму беҳиштдан дейсан?
Тақдир лавҳасин кўр, қалам устоди —
Бўлар ишнинг барин ўшанга чеккан.

221

Ўзингга маълумдир, э даҳр ситаминг,
Ситам чодирда ўтар ҳар дамнинг.
Ёмонга неъмату яхшига кулфат,
Ёвмисен ё эшак? Бу не аламинг?!

222

Бу коса ясалмиш гўзал-ярқироқ,
Чил-чил қилиб йўлга ташланмиш, бироқ.
Зинҳор уни босиб хор айламагил,
Бу коса аслида чаноқ, бош чаноқ!

223

Ҳайём, гуноҳим деб мотам нечун, хўш?
Фойдасиз, кўшим-оз бу ғам нечун, хўш?
Гуноҳни кечишга карами бор-ку,
Ҳеч гуноҳ бўлмаса, карам нечун, хўш?

224

Ажал бош эгдирса, бўлмаса чора,
Дастидан тану дил бўлса юз пора,
Тупроғимдан фақат кўза ясангиз,
Майнинг бўйи тегиб, тирилсам зора.

225

Фалак, кўнглим доим ғамнок қилурсан,
Қувончим кўйлагин чок-чок қилурсан,
Менга эсан елдан оташ уфуриб,
Сув ичсам оғзимда тупроқ қилурсан!

226

Мол-дунё ҳасрати қилмасин афғор,
Мангу яшар киши қани, қайда бор?
Бир неча нафасинг танда амонат,
Амонатга амонат бўлмоқлик даркор.

3—977

— 65 —

227

Эй дил, бил, ҳар нима тансиқ жаҳонда,
Шодлик боғни кўкат безар ҳар ёнда.
Кечқурун кўкатга шабнам сингари
Бир қўндингу учиб кетдинг азонда.

228

Токай рангу бўйга асир бўлурсен.
Яхши-ёмонни, деб, дилгир бўлурсен.
Хоҳ замзам сувию хоҳ оби ҳаёт,
Охир ерга кириб, тақир бўлурсен.

229

Эрта тонг лолага шабнамки тегар,
Чаманда бинафша бўйнини эгар.
Рост айтсам гунчадан жуда розимен,
Чунки у кўтармас на этак, на бар.

230

Қариликдан бошда не чоғлиқ бало,
Еноғим гулнори — ҳозир қаҳрабо.
Вужудим томи-ю тўртта устунни,
Бузилган, нураган, хароб, бедаво.

— 66 —

231

Ҳаёт бўйсунмагач бизнинг тилакка,
Хаёлу ғайратинг чиқар пучакка.
Эрта-кеч ҳасратин чекамиз пайваст
Кеч келдик, тез етди вақт ҳам кетмакка.

232

Кўзамни синдириб, ирғитдинг, таңгри,
Хуррамлик эшигин беркитдинг, таңгри.
Тупроққа тўқдингку гулгун майимни,
Билмадим, мастми сен, на этдинг, таңгри.

233

Ахир, бу оламда бегуноҳ ким бор?
Нечук яшай олди, бўлмай гуноҳкор?
Ёмонлик қайтарсан ёмонлигимга
Фарқимиз не бўлди, айт, парвардигор!

234

Аҳил бўлса олов ичра ҳам инсон,
Аҳил кишиларга олов ҳам осон.
Ноаҳил кишилар суҳбатидан қоч,
Ноаҳил суҳбати ёмондан-ёмон.

235

Дил мулкида бўлмоқ керак хўп ҳушёр,
Жаҳон нишида-чи, беуну бекор.
Икки кўз, тил, қулоқ омон чоғида
Кўз, тил ва қулоқсиз бўлмоқлик даркор.

236

Ақл лол бўлмаган тун йўқ, ажабо,
Ияғидан этакка дур тўлмас, аммо.
Тўлдиролмас бошим косасин савдо,
Тўнқарилган коса тўлмайди асло.

237

Менга нима десанг адовату кин,
Менга доим дейсан: «Имонсиз, бедин».
Мен бунга иқрормен, лекин ҳаммаси
Узингга тегади, яхши ўйлагин.

238

Сабзага ёш тўқди булут келибоқ,
Жуда ҳайф қирмизи майсиз яшамоқ.
Бизларга сайр жойи ҳозир бу ўтлоқ,
Кимга сайргоҳ бўлур бизларнинг тупроқ.

239

Ўзинг йўлларга қўйибсан тузоқ,
Зўр гуноҳ эмиш бу домга тушмоқ.
Бирортасига ногоҳ илинсақ,
Жазо бермоққа айлайсан сўроқ.

240

Харобада мену май, маъшук учов
Усти — бош, жону дил шаробга гаров.
Лутф. умиди, азоб ваҳми писандмас,
Бизга бедахл шамол, тупроқ, сув, олов.

241

Вужудимизгаки, не нақш солибсен,
Юзлаб ажойибот биздан олибсен.
Мен бўла олмаймен бундан яхшироқ,
Яшашда сен ўзинг шундоқ қилибсен.

242

Ўзни доно билган у уч-тўрт нодон
Эшак табиатин қилур намоён.
Булар суҳбатида сен ҳам эшак бўл,
Бўлмаса «кофир» деб қилишар эълон.

— 69 —

243

Таъбим — юзи гулга пайванд бўлади,
Қўлим — жоми мулга пайванд бўлади.
Қар жузвдан олайин насибам, чунки —
Жузвлар бари кулга пайванд бўлади.

244

Токай бору йўқнинг ғамини ейман,
Токай умрим яхши ё ёмон дейман.
Қадаҳ бер, маълуммас олган нафасим,
Қайтиб чиқараман ё чиқармайман.

245

Хушёр бўл, ёғдирар бало бу жаҳон,
Хотиржам ўтирма, наштар бу даврон.
Оғзингга ширинлик солганида ҳам
Зинҳор юта кўрма, оғуси пинҳон.

246

Эй оллоҳ, оч менга ризқинг эшигин,
Махлуқ миннатисиз ризқимни бергин,
Соф бодадан мени шундоқ маст қилки,
Хабарсиз ўтказай бошим оғригин.

247

Эрта тонг нурни сочганда офтоб,
Қўлингда тўла жом бўлмоғи савоб.
Ҳақиқат аччиқдир, деган гап бор-ку,
Шу далил билан ҳақ экан майи ноб.

248

Дилингда бўлмасин қайғудан нишон,
Хуррамлик китобин ўқигин ҳамон.
Май ичиб, орзуга эришмоқ керак,
Маълум-ку беш кунлик, ахир, бу замон.

249

Саҳар садо берди бизнинг майхона,
Ки, э майхонамиз ринди — девона,
Тургил паймонани тўлдир шаробга,
Ҳали тўлмай туриб бизнинг паймона.

250

Бир сўнгакка сордек қаноат қилгон,
Афзалдур нокасга бўлгандан меҳмон.
Нокасинг шиннилик нонидан яхши
Узинг топиб еган бурда арпа нон.

251

Бу борса келмас йўл — бу узоқ сафар,
Қани ким қайтибди, сўрасак хабар.
Асрору илтижо айрилишида
Ҳеч нарса қолдирма, қайтмайсан дигар.

252

Холиқ — кечирувчи, раҳмли Раҳмон,
Исёну гуноҳдан бўлмагил гирён.
Бугун масту хароб уйқуга кирсанг,
Эрта афв этилур чирик устухон.

253

Ҳар сирдан огоҳсен, эй дўстим, сен ҳам,
На учун беҳуда чекасен алам.
Ихтиёринг билан юришмас ҳеч иш,
Хурсанд бўл, тириксен, сеники бу дам.

254

Бир кўза келтиргил, бўлсин безарар,
Ўзинг ич, менга ҳам узат баробар.
Даврон ўз изидан айланиб, охир —
Тупроғимиз кўза қилур кўзагар.

255

Қиш ўтиб, келади баҳор садоси,
Етар умр варағин ҳам интиҳоси.
Ғам ема, май ичгил, ҳақим дебдиким,
Жаҳон ғами заҳар, шароб давоси.

256

Кўзагардан кўза олгандим бир кум,
Бир сўз деб чиқарди кўза сирли ун:
«Шоҳ эдим қўлимда олтин жом эди,
Хумор бошли кўза бўлибмен бугун.»

257

Эрталлик пайтида, э бахтли жонон,
Май келтир, тарона созлагил чандон
Юз минг Жамшид, Кайни тупроққа тикди —
Бу фалак ёз кетиб, қиш келар замон.

258

Бир доно коми-ла чарх айланмайдир,
Сонини саккиз де, етти барибир.
Ўлгач-ку қолмайди орзунг, танангин
Гўрда чумоли ер, ё қирда қашқир.

— 73 —

259

Соқи, дилим хароб ўлик жондан ҳам,
Ўлик ер остида ётар хотиржам.
Қон ёшим этакни шундай юварки,
Этагим кўзимдан ифлосроқ ва нам.

260

Букун менинг қувноқ ёшлик замоним,
Ичамен ушалур орзу-армоним
Айб қилмангиз, аччиқ бўлса-да, шароб,
Аччиқдир, чунки у ҳаётим, жоним.

261

Бу кулфатхонада ҳосили инсон —
Ғуссадан бўлакмас чиққунича жон.
Хуррамдур ким тезроқ кетди жаҳондан,
Осудадур кимки келмаса бир он.

262

Эй кўз, кўр бўлмасанг гўрдан бўл огоҳ,
Фитна тўла олам, ҳар ён қайғу-оҳ.
Чумоли оғзида ойдек ёноқлар,
Ер қўйнида султон, сардор, подшоҳ.

263

Хуррамлик асоси, кони алам биз,
Ситам асли, адл мояси ҳам биз.
Пастмизу баландмиз, етукмиз, кам биз,
Занг босган онна ҳам жоми Жам биз.

264

У лаълким, идиши содани келтир,
Ул маҳрами ҳар озодани келтир.
Бу тупроқ оламнинг сўнг натижаси —
Шамолдур, биласен, бодани келтир.

265

Э донишманд кекса, тургил эртароқ,
Тупроқ элаётган болага бир боқ —
Ва унга дегилки: «Эла секинроқ,
Кай боши, Парвизнинг кўзи бу тупроқ».

266

Мисоли бир олтин кўза бу дунё
Суви гоҳо ширин, аччиқдир гоҳо.
Шунча умрим бор, деб керилма асло.
Эгарлоқдир ажал оти доимо.

267

Масжиду Ъутхона, Каъбада ё-ху,
Жаннатдан умиду, дўзахдан қўрқув.
Фақат дунё сирин англаган қалбдан
Абадий қувилмиш бу ташвиш, қайғу.

268

Қўлни қўлга бериб бўлмасак ҳамдам,
Шодлик оёғидан тепки емас ғам.
Тонг чоғида туриб, саҳарлик май сун,
Жуда кўп тонг отар биздан кейин ҳам.

269

Дўстлар иноқликни қилсангиз одат,
Тез-тез дийдор кўриб, ўзни айланг шод.
Соқи тоза майни сузганда айланг —
Мен бечорани ҳам дуо бирла ёд!

270

Соқи, юзинг — жоми Жамшиддан яхши,
Иўлингда ўлмоқ — умри жовиддан яхши,
Қадаминг чангидан кўзларим равшан,
Ҳар зарраси юз минг хуршиддан яхши.

— 76 —

271

Токай қош чимиртар дунё ташвиши,
Муродга етказмас кўнгил гиш-ғиши.
Сен-менинг ишимиз эркимиздамас,
Қазога кўникиш — донолар иши.

272

Қазо чавғонида коштокдек нуқул
Чапу ўнг юмала, дема: номаъқул,
Сени юмалашга солган ким бўлса,
У билгай, у билгай, у билгай, ҳа, ул!

273

Мен осий бандангман ризойинг қани,
Дилим қоп-қоронғи, зийёинг қани?
Итоатим учун жаннатни берсанг,
Бу менинг ҳаққим-ку, атойинг қани?!

274

Олтмишдан ортиқ умр истама ҳечам,
Маст бўлмай бир ерга ташлама қадам.
Кўза қилишмасдан бошинг косасин,
Кўза қуч, косани ушлагил маҳкам.

275

Кимдаки ақлдан бирон сатр бор,
Умрин бир лаҳзасин ўтказмас бекор,
Ё худо карамин истаб ўтади.
Ё роҳатин кўзлаб, май нчар бисёр.

276

Сенсиз ўқигандан меҳробда намоз,
Майхонада сенга сир айтганим соз,
Аввал — сен, охир — сен, сенсиз бари пуч,
Майли ўтга ташла ё айла навоз.

277

Майни тоққа берсанг, тоғ ҳам рақс этар,
Ёмонлар ёмонлаб уни наҳс этар.
Майдан асти тавба қилмайман, зеро,
Май тарбия берар, шахсни шахс этар.

278

Далил топдим ақлим қайнаган онда,
Румдами, арабда, ҳамма томонда —
Май ҳаром десалар, ишонмайман ҳеч,
«Майсара...» деган-ку худо қуръонда.

279

Бор-йўғингдан ақлим эмас хабардор
Тоат-исёнимга эмассан ҳам зор.
Гуноҳдан мастману, лутфингдан ҳушёр,
Яъни раҳматингдан доим умидвор.

280

Соқи лабларидан ранг олмиш ёқут,
Ғами дилга қувват, жонга берар қут,
Ишқи тўфонида ким ғарқ бўлмади,
Гўё Нуҳ кемаси унга бир тобут.

281

Соқи, менинг ғамим овоза бўлмиш,
Мастлигим ҳам ҳўп беандоза бўлмиш.
Мўйсафиду шодмен, чунки хатингдан —
Оқ бошим баҳору дил тоза бўлмиш.

282

Хушвақт ким бу замон озод яшади,
Худо берганларин қўймай ошади,
Ким ғанимат билди бир дам умрни,
Қўлда май, озоду дилшод яшади.

— 79 —

283

Оламни пиёда кезиб чиққанлар,
Икки дунё сўзин дилга тукканлар,
Бизлардан ортиқроқ билдилармикан,
Жаҳон сирларини бир-бир йиққанлар.

284

Ҳаётга ўзга тус бергувчи шароб —
Келтир, қадаҳга қуй, бўлса ҳам азоб,
Қўлга бер, оламнинг ишлари хуноб,
Ҳар нафас умр ўтар, айлагил шитоб.

285

*

Беҳуда ўзингга айлама ситам,
Улушингдан ортиқ тиламагил ҳам.
Азалдан номингга нима ёзилса,
Ўша сенинг баҳранг, бўлмас ортиқ-кам.

286

Бу чарх ҳеч кимсага сўйламайди роз,
Ситамидан ўлди минг Маҳмуд, Аёз,
Ичавер! Ҳеч кимда йўқ умри боқий.
Дунёдан кетганлар, қайтиб келмас боз.

— 80 —

287

Жаҳон ҳақиқати мажоздир, э дил,
Беҳудага ранжу андуҳ чекмагил.
Қазога таслим бўл, кўп-озига кўн,
Қазо қаламравин ўзгармас деб бил.

288

Мени ҳалок этмиш ғами ҳижронинг,
Этагингни тутдим кетган замонинг.
Кетдингү ғамингдан минг кўнгил ўлди,
Қайтдинг, яна минг жон бўлди қурбонинг.

289

Букун биз — ошиқлар ошифта-ю маст,
Санамлар кўйида хўп бодапараст.
Тамом халос бўлиб ўзлигимиздан,
Нақ арши аълога бўлибмиз пайваст.

290

Май ичма дейдилар, ортар фиғонинг,
Қиёматда дўзах бўлур маконинг.
Бу ҳақ, аммо арзир икки жаҳонга —
Май ичиб, ширакайф бўлган бир онинг.

291

Топилса икки жом майин қўлга ол,
Ҳар қандай даврада ичгил бемалол,
Керак эмас ахир, яратганга ҳеч
На сендек мўйлабу, на мендек соқол.

292

Хушвақт бўл, келмоқда ҳайит айёми,
Шай бўлғуси бутун қувонч анжоми.
Суғлиқдан ой сариқ, озгин ва синиқ,
Вақтида бу дардлар битар тамоми.

293

Ешлик айёмида шароб авлороқ,
Тоза май ҳам юзи моҳтоб авлороқ,
Тушдир, харобадир бу фоний дунё,
Бўлмоқ бунда масту хароб авлороқ.

294

Тўйдим қашшоқ, дилтанг ҳаётдан бутун,
Эй, оллоҳ, кўрсатгил қудратинг бугун,
Йўқни бор қиласан, йўқликдан чиқар —
Мени ҳам, борлигим ҳурмати учун.

295

Фойда йўқ беҳуда чекмаклякдан ғам,
Чарх минглаб биздекни экди, ўрди ҳам,
Қадаҳни тўлдириб қўлимга тут тез,
Бўлари бўлди деб, ичайин бирам.

296

Қилай десанг умринг асосин маҳкам
Ва кўнглинг дунёда бир бора хуррам,
Шароб сибқармоқдан бўшама ҳечам,
Топгайсан умрингдан лаззат дамо-дам.

297

Дунёда бор нарса, бари нақш, хаёл,
Орифмас, кимгаки маълуммас бу ҳол.
Бир коса май ичиб ҳушинг йиғиб ол.
Бу нақшу хаёлдан фориг бўл дарҳол!

298

Ё раб, асир дилимга раҳмат бағишла,
Сийнам — ғам соҳилимга раҳмат бағишла,
Майхонага югурган оёғим кечир,
Қадаҳгир қўлимга раҳмат бағишла.

299

Замонасозларнинг сўзларидан кеч,
Гўзаллар қўлидан шароб сўраб ич,
Дунёга келганлар бир-бир кетдилар,
Қайтганларин ҳеч ким кўрсатолмас ҳеч.

300

Бу кўзаданки сув ичар мардикор,
Бунда шоҳнинг кўзи, саркор дили бор.
Маст рухсори, мастон лаълини лабидан
Бўлган майни хўпам сипқарар хумор.

301

Умидлар донаси хирмонда қолур,
Боғу роғ на санда, на манда қолур.
Симу зар тўплама, дўстлар-ла еб-ич,
Бўлмаса, ҳаммаси душманда қолур.

302

Гул барги-ла кунни тўса олмайман,
Қисмат сирларини еча олмайман,
Фикр денгизидан дур топди ақл.
Қўрқувдан бу дурни теша олмайман.

303

Бирор киши чиқиб ҳар замон, мана Мен, дейди,
Молу симу зари бор чунон, мана Мен, дейди.
Иши ривож топиб турганда, бир куни ажал —
Пистирмадан чиқиб ногаҳон, мана Мен, дейди.

304

Олам гардишидан ўз баҳрангни ол,
Шодлик тахтига мин, қўлда май ҳалол,
Бўйсунсанг-сунмасанг, худо зор эмас,
Оламда бахтингни ўринлатиб қол.

305

Токай пастлар хизматин этасан бажо,
Ҳар емишга пашшадек қилма жон фидо,
Бир нонни икки кун е, тортма ҳеч миннат,
Ўзга нонидан ўз дил қонинг қўп авло.

306

Утиб борар ажиб умр карвони,
Қўлингдан чиқмасин шодлик замони,
Соқи, эрта куннинг ғамин емагил,
Қадаҳ сун! Утмасин туннинг бир они.

307

Кунларим ўтади, кечалаб тавба,
Қўлимда шёлам лаболаб, тавба,
Букун гул фаслидир, тавба қаёқда,
Гул фаслида тавбадан, ёраб, тавба.

308

Мен кетдим, чунки, бу жаҳони бедод,
Бунда яшамоқнинг охири барбод.
Ким қочиб қутулса ажал дастидан.
Майли, ўша бўлсин ўлимимдан шод.

309

Қаро ер қаъридан то авжи Зухал
Кониот сирларин барин қилдим ҳал.
Кўп мушкул тугунни англадим, ечдим,
Ечилмай қолгани биргина ажал.

310

Жаҳон хулосаси бўлган инсонлар
Фалакнинг авжидан ўйлаган онлар.
Зотингни билишда худди осмондек,
Эгилгану сарсон ҳам саргардонлар.

311

Ул ким, гўзалларга хандон лаб бермиш,
Дард аҳлига жигар қонин зап бермиш,
Қисматимиз шодлик бўлмаса на ғам,
Шодмиз, чунки ғамни минг-минглаб бермиш.

312

Жинсимдан бир хослик топса гар соқи,
Ҳар нардан юз фасл кашф этар соқи.
Май берсин, баридан кечайин майли,
Ҳаддимдан чиқарсин сарбасар соқи.

313

Кетибсан, қайтибсан адашиброқ яна ҳам,
Исминг кўтарилганди ёдимиздан, эй одам,
Соқолинг дум бўлибди, ўсиб чиқиб ортингдан,
Тирноқларинг қўшилиб туёқ бўлмишдир бу дам.

314

Енингда гулдан ҳам нозанин дилбар,
Гулу майдан қўлинг узма сар-басар.
Ажал ели билан умр кўйлаги
Гулдайин бир йўла тўкилиб кетар.

315

Афвинг бор, гувоҳдан қўрқув билмайман,
Ризқ бердинг, йўл ранжин кўзга илмайман.
Раҳмингдан оқ юз-ла турсам маҳшарда,
Номим қора дея ташвиш қилмайман.

316

Гайратинг сарф этсанг киймоқ, ичмоққа,
Арзийди бу ишни маъзур тутмоққа.
Ҳушёр бўл қолганин бари арзимас
Умрингни сарф этиб, ўтиб кетмоққа.

317

Афсус, умр беҳуда бўлмишдир барбод,
Бўлмадик ҳаромдан бир нафас озод.
Буюрганнинг қилмай юзим қародир.
Амрингдан ташқари ишларимдан дод!

318

Бир нон топиб агар есанг якки кун,
Синиқ кўзанг бўлса сув ичмак учун,
Ўзингдан пастларга ёлланмоқ нега,
Ўзингдек хизматин қилмоқлик нечун?!

319

Қисматинг азалдан ёзганмиш худо,
Уни қилолмайсан кўпу кам асло.
Демакки, борингдан бўлғил хотиржам,
Иўқни ўйлаб, куйма, қилма во вайло.

320

Бу замон дўстни кам орттирмоқ маъқул,
Аҳли замонадан узоқроқ бўлғил!
Суянчиғинг бўлиб кўривган кимса,
Кўзинг очсанг душман чиқади нуқул.

321

Кетишдан кўрқмаймен мен бу дунёда,
Чулки у дунёда умрим зиёда.
Вақти етгач танда омонат жонни
Тошширайин, шундай бўлғач прода.

322

Шод дилни этмасин ғамгин, кўз ёши,
Хуш вақтинг эзмасин машаққат тоши.
Эрта не бўлишин билмагач киши,
Букун бўлсин май, най, маъшуқ йўлдоши.

323

Кямнинг ёнида бор гулдек жонони,
Этагин ушласин қўлда паймони.
Эрта гул баргидек учириб кетар,
Умр қўйлагини ажал бўрони.

324

Пушти камар ичра бир томчи эдик,
Шаҳват ўти билан жойдан қўзғалдик.
Эрта елга учиб кетар хокимиз,
Бу дамни май ичиб, ўтқаз бе ҳадик.

325

Санам ҳавоси бош чаноқда бўлсин,
Узум суви қўлда, аёқда бўлсин.
Менга дема, тавбанг қабул этар ҳақ,
Тавбаси ҳам мендан узоқда бўлсин.

326

Қўлимда бўлмаса агар майи пок,
Заҳр эрур оғзимда бўлса ҳам тарёк.
Дунё ғами заҳар, тарёки шароб,
Шунинг учун майни сибқарай бебок.

— 90 —

327

Бахтингдан унса ҳам ҳаёт озиғи,
Абадий туюлса азал ёзиғи,
Жонга соя берса тананг чодирини,
Ишонма бепанддир тўртта қозиғи.

328

Зухд аҳлин риёга этдилар маҳкум,
Тянанни этдилар жонидан маҳрум.
Бошимга хўрознинг тожиси каби,
Арра қўйсалар-да, мен қўямен хум.

329

Нафсим ила жангдамен доим, не қилай?
Шул дард-ла ўтар йил, ойм, не қилай?
Дейлик караминг-ла авф этарсан, лекин
Уятдан ўлурман, худойим, не қилай?

330

Тоат дурларини ипга тизмадим,
Юздан гуноҳ гардин артиб тўзмадим.
Ва лекин ҳеч бирни икки демадим,
Шунингчун лутфингдан кўнгил узмадим.

331

Жаҳон ғамин ема, дўстим, беҳуда,
Ғам емагил, жаҳон қирриқдир жуда.
Бори ўтиб кетди, йўғи ҳали йўқ,
Бор-йўқни ғам қилмай яша осуда.

332

Шухрат топсанг, кишилар ҳасади ёмон,
Ёлғиз қолсанг, сендан қилишар гумон.
Хизр бўлсанг ҳамки ҳеч кимни билма,
Сени ҳам билмасин майли бирор жон.

333

Сўзимга қулоқ ос, эй дўсти аъло,
Дунё ишларини ўйлама асло.
Қаноат гўшасин айлабон макон,
Олам ишларини қилғил тамошо.

334

Тупроққа қоришмай, ёки қўнмай хок,
Меҳмон бўлиб келмиш сенга руҳи пок,
Эрта тонг май бирла сийлаб қол уни,
То демасларидан: «Анъам оллоҳу масок»

335

Янги мулкдан яхши қултум эски май,
Яша ўзгасига ҳеч парво қилмай.
Бир қадаҳ минг авло Жамшид мулкидан,
Хум ғишти Кайхусрав подшо тожидай.

336

Эй сен, тўрт унсуру етти сайёра
Остида саргардон, бетоб, оввора,
Нафс гамин чекмақдан тўхтама асло,
Ўлгач, тирилмассан иккинчи бора.

337

Ўз истагинг билан яшайсан бир дам,
Шод ўтказ, қилсалар ҳам сенга ситам.
Жононлар билан бўл, тананг асоси —
Шамолу тупроғу учқун ила нам.

338

Умрим қийноқдадир, дардим бе илож,
Роҳат қисқа, заҳмат топмоқда ривож.
Худого минг бора шукурки, бало
Ва кулфатга мени этмади муҳтож.

— 93 —

339

Сабаб саҳросида кимки саргардон,
Ишларин унингсиз юритар яздон.
Букун бир баҳона ўртага ташлаб,
Эрта бажо бўлур тақдир осмон.

340

Умидим шоҳида самар топсам эдим,
Умр ипин учин агар топсам эдим,
Токай вужуд зиндонида сиқилур,
Иўқлик сари дарича, дар топсам эдим.

341

✧ Иўқликдан келгандир бу баҳри вужуд,
Таҳқиқ дуррин ҳеч ким теролмас хушнуд.
Ҳарким ҳар хил сўз дер ўзига монанд,
Ҳақиқат сўзини айтмоққа ношуд.

342

Бирини келтирса, бошқасин олар,
Ҳеч кимга сир очмас, пинҳона қолар.
Қазо билан бизни айламас ошно,
Ҳаётимиз коса, майни ул солар.

343

Бахтингдан ободлик шохи унса ҳам,
Ҳаётинг либоси бўлса-да хуррам.
Тананг чодирига суйнма кўпам,
Тўрттала қозиғи сустдир, эй одам.

344

Ортимдан тупураб менга замонам,
Чишпакка чиқмоқда коримардонам.
Жон чиқа бошлади, «Нима гап?» десам,
Деди: «Нетай хароб бўлмоқда хонам!»

345

Емак-ичмакка йўқ эрди эҳтиёж,
Сени шундай қилди, энди не илож.
Не бермиш барини қайтиб олғуси,
Аслинга қайтарур охир бу ривож.

346

Бор нарсдан қўлда қолгани шамол,
Бор нарса йўқолур, бўлур поймол.
Бор нарсани йўққа ҳисоб этавер,
Йўқ нарсани бор деб этгил эҳтимол.

347

Иш ўнгу терсини яратгай раззоқ,
Рақибинг ишининг ўнгланишин боқ.
Кофирларга бериб май шишасини,
Сенга қолдиргани ичи бўш қовоқ.

348

Бегона ҳам вафо қилса, жигар менга,
Қариндошим жафо қилса, дигар менга,
Заҳар дардга даво бўлса, тарёкдир ул,
Асал агар ёқмас экан заҳар менга.

349

Биров дин йўлини ёритар гўё,
Биров ҳақиқатдан сўз айтар доно.
Қўрқаменким бир кун овоза келиб,
Дерки, ул ҳам бул ҳам бемаъни даъво.

350

Фалак иши агар бўлса адолат,
Барча дилга маъқул тушар бу ҳолат.
Фазл аҳлини хотири ранжимас эрди,
Гардуне гардонида бўлса ҳаловат.

351

Бунда мақомимиз эмасдир муқим,
Майсиз кун ўтказмоқ хатодир азим.
Токай эски, янги деб чекамиз ғам,
Биз кетгач барибир, янгими-қадим.

352

Кўп ухлама, уйғон ичайлик шароб,
То замон бизларга бермасидин тоб.
Бир кун келадики бу золим фалак,
Бир қултум сувни ҳам бермас беазоб.

353

Мени айладилар дунёда мавжуд,
Ҳаётда тоғганим ҳайрат, тараддуд.
Бу йўлни ўтдиму тушунолмадим,
Келмагу кетмакдан не экан мақсуд?!

354

Сени етакласа ҳавасу ҳаво,
«Мендан хабар ол», дер дили бенаво.
Назар сол, ўзинг ким ва қайдан келдинг,
Бил, қайга кетурсан, бошда не бало?

7-977

— 97 —

355

Тупроқда ётишар уйқу босиб. хўп,
Ер остида ниҳон мисоли бир чўп,
Иўқлик саҳросига боқибон кўрдим
Унда келганлару келмаганлар кўп.

356

Гул бағрини насим тилди, тўкилди,
Сабога ҳикоят қилди, тўкилди.
Фалак ишига боқ, бир ҳафтада гул
Чиқди, ғунчалади, кулди, тўкилди.

357

Қайда камол топдинг, жононам ўзинг,
Ойни уялтирар тунда юлдузинг.
Базм учун юзларин безар ғўзаллар,
Жаҳон базмин безар бир сенинг юзинг.

358

Бутун умр топгил ёр ила ором,
Жаҳон лаззатини шимир бардавом.
Иўқликқа кетмакдир ишинг охири,
Умринг лаҳза уйқу, тушдир вассалом.

359

Ринд ўлтирар замин аргумоғида,
На куфру ва на дин бор димоғида.
На ҳақ, на ҳақиқат ва на шарият,
Ким тенг келар унга сўлу соғида.

360

Бизни айлантирган бу чархи фалак,
Уни фонус дея хаёл қил андак:
Қуёш чироғи-ю олам фонуси,
Икки ўртада биз ҳайрону ҳалак.

361

Умринг юз йил бўлсин, бешюзми, ҳазор,
Бу кўҳна саройдан кетасен ночор.
Охири қийматинг битта бўлади.
Бозорда гадо бўл, тахтда шаҳриёр.

362

Кошки умид шохидан мена теролсам,
Ё калавам учини топиб беролсам.
Бу вужуд зиндонидан йўқлиқ соригга
Эшик очиб, қадамим дадил қўёлсам.

363

Эй дил, замонадан эҳсон кутмагил,
Айланар, тўхтамас даврон, кутмагил.
Даво истаб дардинг ошар кундан кун,
Дардга кўникавер, дармон кутмагил.

364

Кеча шароб излаб босар эдим йўл,
Иўлда ётар ўтда қовжираган гул.
Дедим: «Гуноҳинг не, куйдирибдурлар?»
«Бир нафас чаманда кулдим», деди ул.

365

Биз мисоли қушимиз, оёқларда дом,
Умрдан дилхаста ошуфта мудом.
Бу эшигу томсиэ оламда сарсон.
На муродга етдик ва на топдик ком.

366

Бу беҳабар дил ҳам тегди -ку жонга,
Ситамидан жоним келди фиғонга.
Оламга барибир бору йўқлигим,
Бас мен нима учун келдим жаҳонга.

367

Бир коса шароб-ла кўнглингни шод эт,
На ўтмиш, на келмиш кунингни ёд эт.
Зиндоний қилинган омонат жонни,
Ақлинг бандидан лаҳза озод эт.

368

Тоатми ё куфр сўзи — бир нафас.
Шак-шубҳа, ҳақиқат кўзи — бир нафас.
Шул дамни қувончсиз ўтказмак абас,
Умримиз ҳосили ўзи бир нафас.

369

Энди мен нифоққа қолдирмайин йўл,
Ошпоқ сочим ила майга чўзай қўл.
Етмишга етибди умр паймоним,
Энди хуррамликка вақт қолмади мўл.

370

Лоладек қадаҳ тут навруз айёми,
Лолаюз ёр ила хушдир дил коми.
Шодлик ила май ич, фируза фалак
Тупроқ қилур, охир, шул иш анжоми.

371

Дунёда яшайсен юз йилми, бир кун,
Токай ризқу рўзим дея жигар хун.
Косани қўлга ол, кулол чархида
Тупроғингдан коса яшадан бурун.

372

Дурда бўлса-да май бўлсин лолагун,
Эй соқий, кўзангни оч, қуйилсин хун.
Садоқат топмадим дўсту яқиндан,
Кўза ичидадир содиқ дўст бул кун.

373

Бинафшада ажиб бўёқлар пайдо,
Гул этагни йиртар шўх боди сабо.
Кумуштан ёр ила шаробин ичиб,
Кўзасини тошга уради доно.

374

Соқий ва шаробсиз бу жаҳон ҳечдир,
Ҳатто ироқ куйи, яккахон ҳечдир.
Жаҳон аҳволига кўп назар солдик,
Ҳосили сендирсан, ер-осмон ҳечдир.

375

Учмасиядан туриб номинг оламдан,
Май ичиб дилингни софлагил ғамдан.
Бўгинларинг банд-банд кетмайин туриб,
Ер сочи бандин еч, чиққил аламдан.

376

Қаландар йўлни тут, дайру маъбуда,
Ҳеч бирида бўлмас дилинг осуда.
Кафтингда қадаҳу, қучоғингда хум,
Май ичгил бошқаси бари беҳуда

377

Қаро тун этагин тилди ой нури,
Бундай дам ўзгадир майнинг ҳузури.
Май ичиб хаёл қил, биздан кейин ҳам,
Нур сочаверадн осмон суҳсури.

378

Бода ичгил, мулки Маҳмуд мана шу,
Чанг эшитгил, базми Довуд мана шу.
Келиб кетишингдан гапирма энди,
Умрингни шод ўтказ, мақсуд мана шу.

379

Қуруқ билимдондан қочганинг маъқул,
Дилбар зулфи бўлсин ёдингда нуқул.
Фалак тўкмасидан бурун қонингни,
Косага шароб қуй, дард давоси шул.

380

Кетганлар қайтмиши маҳол, эй соқий,
Тупроқда уйқуда бе ҳол, эй соқий,
Ҳақ гапимга қулоқ сен сол, эй соқий:
Ҳар неки демишлар шамол, эй соқий.

381

Жасорат кўрсатиб яшагил бебок,
Бода ичгил, ул ҳам бўлсин оташнок.
Яратилмиш эдинг бошда тупроқдан,
Инкор этма, охир бўлажаксан хок.

382

Май ич, дилдан кетар кудурат, зиллат,
Тенг кўрнар етмиш иккала миллат.
Дардинга излама шифою малҳам,
Қултум майдан арир юз туман иллат.

383

Токай замонадан бўласан маҳзун,
Токай кўзингда нам, токай дилинг хун.
Май ичиб, жонона била бўл хуррам,
Бул чамбардан чиқиб кетасан бир кун.

384

Ақл саодатга интилиб ҳар гоҳ
Сенга кунда юз бор дейдики, э воҳ,
Шодлик билан ўтказ тириклик даминг,
Сенсан ўргач қайта кўкармас гиёҳ.

385

Эй соқий, қадаҳ тут, умримиз андак,
Шул ҳам шодлик ила ўтсинда жиндак.
Борига шукур қил, яшайбер хуррам,
Истагингга қараб айланмас фалак.

386

Агар мулкинг Миср, ё Рум ёки Чин,
Ё ҳукмингда бутуи ер юзин тутгин,
Охир бу бойликдан олар ҳиссанг, бил:
Ўн газ кафан ила икки газ замин.

387

Хум келтир, қиш фасли, букун ҳаммаёқ
Қордан покизаю, бўлибди ошпоқ.
Бундай кун мажлис йиғ, келтир икки уд,
Бир удни созлагил, иккинчисин ёқ.

388

Ё оллоҳ, ул гўзал ойни яратиб,
Сочи сунбулидан анбар таратиб,
Унга қарамагил дея буюрсанг,
Зулмуку, дил шавқин ўзинг қўзғатиб.

389

Гусса қучоғига олмасин бир дам,
Умр иши дилга толмасин алам.
Сув бўйида ўлтир, девор тагида,
Тупроғингдан девор бўлмай, эй одам.

390

Букун хуррамликдан фақат ном қолмиш,
Пухта ҳамдамлардан майн хом қолмиш,
Хурсандчилик қўлин қадаҳдан узма,
Чунки энди қўлда маю жом қолмиш.

391

Эй олам сарвари, дин ғамин ема,
Қайси кун ичмаклик раводур дема.
Ичавер якшанба, шанба, душанба,
Сешанба, чоршанба, пайшанба, жума.

392

Рӯза, рамазонда гар ичсам шароб,
Мени нодон деманг, демангиз каззоб.
Рӯза азобидан куним — қаро тун,
Саҳарлик деб майга этибмен шитоб.

393

Бир қултум шаробнинг баҳоси жаҳон,
Хум бошидаги ғишт баҳоси минг жон.
Бир ҳўплам май бирла лабингни покла,
Зоҳид оқ салласи ундан минг арзон.

394

Май бўлганда товба қилмагил асло,
Сўз бердингни унга керакдир вафо.
Гул ёқаси йиртиқ булбуллар нолон,
Бундай чоқда товба бўлурми раво?

395

Улсам тупроғимни гүм қилинг майли,
Мардумга ибрати шум қилинг майли,
Хокимни май билан қориб лой қилиб,
Хум бошига ғишт ё хум қилинг майли.

396

Токай мачит дейсан, намозу рўза,
Майхонага кириб маст бўлгил тоза.
Хайём, май ичавер, хокинг неча бор,
Гаҳ коса қилурлар, гаҳ хуму кўза.

397

Риндлар хизматига бел боғлаб чандон,
Айла намоз рўза асосин вайрон.
Умарин Хайёмга қулоқ ос бир он:
Май ич, мусиқа чол ва айла эҳсон.

398

Ўзгартириб бўлмас не битмиш қалам,
Фақат дил хун бўлур тортаверсанг ғам,
Бутун умр жигар қонин ютсанг ҳам,
Умринг узайтириб бўлмас бирор дам.

399

Қўйган тузоғинга тўлиқ бу олам,
Илинамиз қайга ташласак қадам.
Сенинг хукмингсизку силжимас зарра,
Нечун мен оси-ю, жойим жаҳаннам?!

400

Қолипдан тушганда лойимиз азал,
Феълнимизда бўлса ҳар нечук амал,
Бўла олурмидим мен ундан афзал,
Азалда барчаси берилмиш тугал.

401

Ул азал Сайёди қўйиб дона, дом
Ўз овига қўйди одам дея ном.
Оламда не яхши-ёмонлик бўлса,
Ўзи қилиб, тўнкар одамга мудом.

402

Ошиқ бўлсанг бўлгил шайдо-ю мастон,
Девона, шурийда, расвойи жаҳон.
Хушёрликда ташвиш ҳамма нарса ҳам,
Маст бўлгач тўпиқдан келмайди туфон.

403

Фақат илм билан баландмас одам,
Аҳду вафо билан баланд-наст одам.
Сўзи билан иши бир бўлса агар
Ҳар нарсадан баланд, муқаддас одам.

404

Муҳаққиқ наздида хуш, бад сураат бир.
Ошиқ манзилида дўзах, жаннат бир.
Бедиллар либоси атласми, палос,
Ошиқлар ёстиғи пар, ғиш, кўкат бир.

405

Бу бепоён осмон ҳолидан осон
Хабар топди фақат икки тур инсон:
Ё яхши-ёмондан хабардор олим,
Ё ўзин билмас, маст, ақли паришон.

406

Бойликдан кўпаймас ақл ё ҳунар,
Аммо пул бўлмаса хун бўлур жигар.
Сероқча атр гул яшнар қуёшда,
Бинафша сояда бош эгиб турар.

— 110 —

407

Май ичса гадо ҳам султон бўлади,
Тулки ичса, шери ғаррон бўлади.
Ёш ичса, кексалик шарафин қучар,
Кекса ичса ёшу чаққон бўлади.

408

Олам сардафтари ишқнинг имлоси,
Ёшлик қасидасин жилва зиёси.
Эй ишқ оламидан хабарсиз, билғил,
Ишқ эмасми асли ҳаёт маъноси.

409

Букун булбул ўқир дostonу дoston,
Майни қўлдан қўйма мастону мастон.
Туриб гулзорга чиқ, уч-тўрт кун бўлсини
Хуррамлик манзилинг бўстону бўстон.

410

Азалдан ёзилган эмиш пешонам,
Не бор экан унда жаннат, жаҳаннам?
Устод менга деди: қазову қалам,
Жаннат, дўзах бари сенда жамулжам..

— 111 —

411

Менинг қисматимга маю мастлик ёр,
Шундан мени барча қилур гуноқкор.
Барча гуноҳдан ҳам май ҳиди келса,
Жаҳонда топилмас эди бир ҳушёр.

412

Кекса бошим тушди ишқинг домига,
Иўқса ёпишмасдим мен май жомига.
Эгнимга сабрдан кийгандим либос,
Ииртилди дош бермай ишқ айёмига.

413

✧

Иўқ дема, қадаҳ тут, эй қаро кўзим,
Бул кеч ёқут лабинг менинг ризқ рўзим.
Юзинг яноғидек май қуй қадаҳга,
Товбамда зулфингдек чигал ҳар сўзим.

414

Май истаб қолди бу дили танг, келтир,
Шароб бўлсин мушкбў ҳам гулранг, келтир.
Гар ғамдан қутулмоқ истаги бўлса,
Ёқут шароб келтир, ипак чанг келтир.

— 112 —

415

Шароб — бу ошиқлар дил алангаси,
Маъшуқа яноғи гулин нафаси.
Рамазон келди, биз ичолмай юрдик,
Шаввол кела қолса — дил арзандаси.

416

Ҳақиқат ниҳолин ўстирмас гардун,
Хоҳи бепарқ бўлгил, хоҳи кўп урун,
Фалак айланиши ўзгармас жиндек,
Бугунни кеча бил, эртани бутун.

417

Бизлар ичамизки, майхона обод,
Бизлар келиб майни этамиз барбод.
Биз гуноҳ қилмасак раҳмат қаёқда,
Раҳмати бўлмаса қолмас эътиқод.

418

Эй шоҳ, фалак сени қилди шаҳриёр,
Тагинда арғумоқ, шоҳона от бор.
Ногоҳ босмасин деб заррин туёғи,
Ерни кумуш қилди, ул ёғдириб қор.

419

Симобдек булутдан ёғди настанан,
Бундан яшнаб кетди қир, лола, чаман.
Лоладек қадаҳга гулгун шароб қуй,
Бинафша ранг булут тўкар ёсуман.

420

Кимсани ранжитма, ранжитма ҳайҳот,
Ғазабинг бировга сочмагил, эй зот.
Ўзинг ранж чеку ҳеч кимни ранжитма,
Роҳат десанг агар ўзинг ғамга бот.

421

Оғирлик қилганда дилимга қайғу,
Ғам-алам солганда дилимга оғу,
Хайр суви — шароб ювар дил ғамин,
Нечун уни дерлар шарр об — разил сув.

422

Муҳаббат ўтида ёнмаса кўнгил,
Ҳолига вой, дегил, бемору заҳил.
Муҳаббатсиз ўтган ҳар бир кунинг, бил;
Умрингдан беҳуда кетмиш бе ҳосил.

— 114 —

423

Беш кунлик ҳаётда ичгил майи ноб,
Беш кунлик умрингни ўтказгил шодоб.
Хароб этмак эрур жаҳоннинг иши,
Сен ҳам кеча-кундуз бўл масту хароб.

424

«Илоҳиёт илмин ўргат», деди дил,
Агар ўзинг билсанг менга баён қил.
«Алиф» деган эдим «бас» деди менга,
«Бир ҳарф ҳам етади» ким бўлса оқил.

425

Дилмизда бўлсин донм ишқи пок,
Охирида ажал айлагай ҳалок.
Эй хушлиқо соқий, Фориғ ўлтирма,
Май бер охирида хок бўлурмиз, хок!

426

Баъзилар хаёли майда, ичкуда,
Баъзилар меҳробда, дили осуда.
Бекор киши йўқдир, барчада ташвиш,
Елғиз ўзи уйғоқ, барча уйқуда.

427

Бир бурчакда қотган нонга қаноат,
Истамадим ундан ортиқ ҳашамат.
Жону дилдан харид этдим фақирлик,
Фақирликдан ортиқ кўрмадим давлат.

428

Май инсоф жомида латиф бир жондир,
Тан шишаси ичра руҳи равондир.
Ҳеч ким ҳамдамликда тенг кела олмас,
Фақат соғар менга дўсти жонондир.

429

Май ичсам эгилнб қолади тиззам,
Уйласам гуноҳмас сажда-ку бул ҳам.
Азалдан биларди бунн ҳақ ўзи,
Шаккоклик эмасми, агар ичмасам.

430

Май нодонга ҳаром, донога ҳалол,
Қим-ла, қачон ичмак мумкин, билнб ол.
Шул уч масалани ҳал эта олсанг,
Демак билимдонсан, сиқор бемалол.

431

Кимки бу дунёга асири тамиз,
Бору йўқ гамида дил тангу ожиз.
Яшамай қартайди бундай одамлар,
Узум бўлмай, бирдан бўлдилар майиз.

432

Эй бодаи хушбуй, ўхшайсан гулга,
Аммо дил гавҳарин берасан қўлга.
Ким ичса амонлик топмайди сендан,
Ақл кўзин боғлаб соласан йўлга.

433

Гул мавсуми келди ич бода гулранг,
Бир ёқда най бўлсин, бир томонда чанг,
Май ичиб, айш қилиб дилингни шод эт,
На қилай, қум ютгил, агар ичмасанг.

434

Ишқ мажозий эса, офтоби бўлмас,
Кул босган оловнинг ҳеч тоби бўлмас.
Чин ошиқнинг эса кеча-ю кундуз,
Ою йиллар кўзда дам хоби бўлмас.

435

Фурур либосни ечибон бул чоқ,
Суратингга эмас, сийратингга боқ,
Мағрурлик дилингда бўлмоғи даркор,
Увадада султон ноғорасин қоқ.

436

Сенинг исботингга етмайди ақлим,
Номинг такроридан бўшамас тилим.
Зотингни мен қандай била оламен,
Уни билур сендан ўзга яна ким?

437

Дединг: «Ҳақиқат не, нимадир одам?»
Сўзласам чўзилиб кетадир қиссам,
Ҳақ уни ундириб дарё қаъридан,
Қаърига отади яшатмай бир дам.

438

Эй чарх, гардишингдан эмасман хурсанд,
Озод эт, ярашмас менга ҳеч бул банд.
Нодон, ноаҳлга гар карам қилсанг,
Мен ҳам эмасмен-ку аҳли донишманд.

— 118 —

439

Бу кажрафтор осмон қилмиши носоғ,
Қилгани борми ҳеч кимса дилин чоғ?
Дунёда кимники кўрма доғ дили,
Фалак эса қўяр доғ устига доғ.

440

Поку, аҳил, оқил кишига ўртоқ —
Бўлу ноаҳилдан қочавер йироқ.
Доно сенга заҳар тутса ҳам ичгил,
Қўл чўзмагил шарбат тутса ҳам аҳмоқ.

441

Харобат аҳли аҳил, инсони инсон,
Улардан бировга етмайди зиён.
Мадрасадан чиқар барча ёмонлик,
Қўлимдан келсайди, қилардим вайрон.

442

Бу олам суврати бари нақш, хаёл,
Олим эрмас кимки тушунмас не ҳол.
Бир жом ақиқ шароб ичиб бўл хушҳол,
Бу нақшу хаёлдан фориг бўл дарҳол.

— 119 —

443

Яхши номла машхур бўлмоқ яхшидур,
Дема чархдан ранжур бўлмоқ яхшидур,
Ток сувидан маҳмур бўлмоқ яхшидур,
Дема зухддан мағрур бўлмоқ яхшидур.

444

Номоз, рўза дема, бўлса имконинг,
Қимсадан аяма бир луқма нонинг.
Кишини ранжитма, ғийбатин қилма,
Шуида сенга боқар икки жаҳонинг.

445

Манзилимиз экан бевафо олам,
Тинмайин истадим камоли одам.
Сенинг яноғингдек ойни кўрмадим,
Қаддинг мисоли сарв топмадим, санам.

446

Олам бари меҳнат, кунларимиз ғам,
Фалак иши офат, айёми ситам.
Ҳар ён назар солдик, кўп кездик олам,
Бирор кимса йўқдир дили хотиржам.

— 120 —

447

Майхона шиширар кимнинг соқоли,
Яхши-ю ёмондан у эрур ҳоли.
Човгону колтоқдек ҳар икки жаҳон
Тўқнашса, қарорга йўқдир мажоли.

448

Тушунсангчи, умри азиз ўтмакда,
Кўрсангчи, у нечук ўксиз ўтмакда.
Бир нафас ҳам айшу ишрат кўрмайин,
Минг хайф ила умр эсиз ўтмакда.

449

Огоҳмассан олам сиридан, юрак,
Иҳтиёринг ила айланмас фалак.
Арзир-арзимасга ғам емак нечун,
Бир дамлик умрингни хуш ўтқиз андак.

450

Дардга чалинмиш бу дили вайронам,
Ишқдан уйғонмади сармаст жононам.
Ошиқлик шаробин берганлари кун
Жигарим қони-ла тўлди паймонам.

451

Қўнглим очолмайди баҳор палласи,
Бўлмаса май, маъшуқ, машшоқ яллasi.
Боғ ичра май, машшоқ, маъшуқанг бўлса,
Жаннат ҳам, кавсар ҳам, шудир хулласи.

452

Қидирар экансан хуррамлик дамин,
Оёқ остингда кўр ғурур оламин.
Унда сен ҳам кириб менинг динимга,
Май сибқар, емагил бу дунё гамин.

453

Ҳикмат чодирини тиклади Хайём,
Андух қўрасида ёнди ул ноком.
Умр ипин шарт кесди ажал қайчиси,
Хизматига охир шул эрди инъом.

ИЗОҲЛАР

Абас — беҳуда.

Адҳам — балхлик машҳур суфий Иброҳим Адҳам.
Вафот этган йили 776—783 йиллар орасида.

Аёз — Маҳмуд шоҳнинг суюкли ғуломи.

Аёқ — қадаҳ, май косаси.

Анқо — афсонавий қуш.

Анъам оллаҳу масоқ — оллоҳ кунингни баракали қилсин. Қуръондан тазмин.

Афлок — «Фалак»нинг кўплиги, осмонлар.

Ботил — бузилган, бузуқ.

Бусайд — машҳур суфий Абдусайд ибн Абилҳайр Майханаги, 967—1049 йилларда яшаган.

Валлоҳу латифун бибодиҳ — худо бандаларига лутф қилувчидир.

Газ — узунлик ўлчови. 71 см. га тенг.

Гардун — фалак, осмон, тақдир.

Дар — эшик.

Дайр — бараҳман дини ибодатхонаси, бутхона, мажозан майхона.

Довуд — Яҳудий пайғамбарларидан бири, мусиқа ижодкорларидан ҳисобланади.

Дур тешмоқ — Бу ерда мажозан — сўз айтмоқ.

Душвор — қийин.

Жамшид ёки Жам — афсонавий Эрон шоҳларидан бири, ғўё у етти иқлимга ҳукмронлик қилган эмиш.

Жайхун — Амударёнинг қадимий номи.

Жовид — абадий.

Жоми Жам — Жамшид жоми, афсонавий жом, ғўё унда бутун жаҳон кўринаркан.

Зоҳид — ибодатга берилган шайх.

Зуннор — мусулмон мамлакатларида яшовчи христианлар мажбурий суратда белига боғлаб юрадиган чилвир.

Зухал — Сатурн планетаси.
 Зухд — дунёдан воз кечиб, тоат-ибодат билан шуғулланиш.
 Зухра — Венера планетаси. Чўлпон юлдузи.
 Ифшо — фoш этилган, oшкoр қилинган.
 Ишробу — ичинг (арабча), қуръондан олинган цитата.
 Кажрафтор — эгри юрувчи, ишлари эгри.
 Кайқубод — Қубод — қадимий Эрон афсонавий шоҳларидан бири.
 Калисо — христианлар ибодатхонаси.
 Ком — истак, хоҳиш.
 Куниш — ўтпарастларнинг ибодатхонаси.
 Кулл — куллиёт.
 Майсара — араб тилида «бойлик, фаровонлик...» маъноларига эга бўлган бу сўзга Хайём форсча «май сара — май тоза, соф, яхши» маъноларини бериб, асл нуханинг учинчи мисрасидаги «майсара» (қўшиннинг сўл қаноти) сўзи билан сўз ўйини қилмоқда.
 Марям — Исонинг онаси. Марям овқати (Физойи Марям) — Марям Исога ҳомила бўлганда гўё ғойибдан келиб турган озиқ-овқат эмиш.
 Махмур — маст.
 Мафҳум — фаҳмланган, тушунилган.
 Маъбуда — илоҳа, тангри.
 Маҳзун — қайғули, ғамгин, хафа.
 Маҳмуд — Ғазнавийлар сулоласидан, 998—1030 йилларда ҳукмронлик қилган подшо.
 Мул — май.
 Муфти — фатво берувчи, шариат ҳукмини баён этувчи.
 Муғ — майфуруш.
 Ниёз — эҳтиёж.
 Ойин — расм, одат.
 Пурқор — ишчан, ишбилармон.
 Ражаб — ҳижрий йил ҳисобида еттинчи ойнинг номи.
 Рамазон — рўза оyi, ҳижрий йил ҳисобида туққизинчи ойнинг номи. Ислom динида ражаб, шаъбон ва айниқса, рамазон ойлари муқаддас ҳисобланади.
 Расул — пайгамбар.
 Ринд — нозик табиат, бепарво, қонун-қонидани писанд этмайдиган.
 Розик — ризқ берувчи, худо.
 Салиб — христиан динидагилар бўйнига осиб юрадиган бут, крест.
 Соғар — май қадаҳи, май косаси.
 Тарабнок — хурсанд.

Тонгла — қиёмат нун.
 Тус — Хуросондаги (ҳозир Эронда) бир шаҳарнинг номи.
 Уд — мусиқа асбоби номи, ёқанда хуш бўй берадиган ёғоч. Шоир бунда шу икки маънога суяниб сўз ўйини қилмоқда.
 Фузун — ортиқ, зиёда.
 Харобот — майхона.
 Хуршид — қуёш.
 Хирқа — жанда, дарвиш ва шайхларнинг махсус кийими.
 Хизр — оби ҳаёт сувини ичган афсонавий пайгамбар. У доим нишиларга яхшилик қилади.
 Хизр суви — оби ҳаёт.
 Чавгон — от устида юриб узун таёқ (човгон) ва копток (гўй) билан ўйналадиган ўйин.
 Шарр об — разил сув — бунда шоир сўз ўйини қилмоқда, Шароб сўзини араб алифбосида Шарр об деб ўқиш ҳам мумкин.
 Шаҳриёр — шоҳ, подшоҳ.
 Шаъбон — барот ойи, ҳижрий йил ҳисобида саккизинчи ойнинг номи.
 Шурида — паришон, ганграган.
 Яздон — худо.
 Ғазол — кийик.
 Ғазо — тасодиф.
 Қадар — тақдир, ёзмиш.
 Қобус — Кайковус — Қадимий Эрон афсонавий шоҳларидан бири.

М У Н Д А Р И Ж А

Жаҳонни забт этган шеърят <i>Ш. Шомухамедов</i>	3
Рубойлар	9
Изоҳлар ' {	123

*Китобга киритилган расмлар Техрон нашридан
олинди (1972 й.).*

Рассом — Ҳусайн Бегзод.

На узбекском языке

ОМАР ХАЙЯМ

Рубаи

Издательство ЦК Компартии Узбекистана
Ташкент — 1981

Техн. редактор Г. Ломиворотова
Корректор Д. Исакова

Теришга берилди 24.04.81. Босишга рухсат этилди 16.11.81.
Формати $84 \times 108^{1/32}$. Гарнитура «Новая газетная».
Юқори босма. Шартли босма листи 6,72+7 вкл.
Наشريёт ҳисоб листи 3,75. Тиражи 200.000. Заказ № 977.
Баҳоси 75 т.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси
Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

Хайём, Умар.

Рубойлар. Ш. Шомухамедов тарж.; Редкол.: Жабборов Ж. Ж. ва бошқ. — 2-чи тўлдирилган нaш-ри. — Т.: Ўзбекистон КП МК нашриёти, 1981. — 128 б., 7 қўш. в. — (Шарқ классиклари меросидан.)

Сарл. олдида: ЎзССР ФА Ҳ. С. Сулаймонов номидаги қўлёзмалар ин-ти.

Хайям, Омар. Рубаи.

С (Тадж.) + И (Иран)